

السلام

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ойлик ижтимоий-маърифий
электрон журнал
(8-сон, Шаъбон,
1434 йил)





www.islom.uz

Марҳабо, моҳи Рамазон!

Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содик
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик.
Эркин Малик.
Абдулҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.
Муҳаммад Зуфар.
Озод Мунаеввар.
Исмоил Муҳаммад Содик
Анвар Аҳмад

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 8-сон.
Муассис: “Ҳилол” нашрёти МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Дизайнер: Беҳзод Вафоев

ХАММАСИГА ЎЗИМИЗ АЙБДОРМИЗ!

Бугунги кунда ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситаларининг кундалик хабарлари худди навбатдаги жаҳон уруши жабҳаларидан (фронтларидан) олинган бир-биридан кўрқинчли, фожиали маълумотларни эслатади: “АҚШнинг Оклахома штати икки марта ҳалокатли бўрон (торнадо) ҳужумини бошдан кечириди, кўплаб киши ҳалок бўлди, минглаб ўйлар вайронага айланди, кўрилган зарар бир неча триллион (!) долларни ташкил этади”; “Россиянинг марказий минтақасидаги кучли довул кўплаб одамнинг бошига етди, бир қанча бинолар ер билан яксон бўлди”; “Оврупа сув тошқинлари исканжасида қолди, катта дарёларнинг тошиши оқибатида минглаб қишлоқлар сув остида қолди, мутахассислар буни сўнгги юз йилликдаги энг кучли тўфон деб баҳолашмоқда”. “Оврупа ва Россиядаги ўрмон ёнғинлари натижасида минглаб, миллионлаб гектар ердаги дараҳтзорлар кулга айланмоқда”.

Бу ҳам етмагандай, Оврупанинг турли ўлкаларига июн ойида қишдагидан ҳам кўп қор ёғди. Яна қайлардадир ер қимирлаб, қанчалаб одамни таҳликага солиб кўйди. Бундан бир неча йил муқаддам Японияга улкан талафотлар етказган, ҳатто атом электростанциясини ишдан чиқарган кучли тўфон ва зилзила, АҚШнинг бир қанча штатидаги бино ва иншоотларни том маънода ер юзидан супуриб ташлаган “Катрина” давули етказган жароҳатлар ҳали тузалмай туриб, бир-биридан ҳалокатли “табиий” оғатлар инсоният бошига кун сайин кўпроқ ёпирилмоқда. Олимларнинг ҳисобича, “табиий” оғатлар оқибатида одамларнинг қурбон бўлиши даражаси бундан ўн йил олдинги кўрсаткичдан саккиз-ўн баравар ошган, улар келтирган зарар эса бундан сал олдинроқ миллионлаб доллар билан ҳисобланадаётган бўлса, бугунги кунда триллион долларлар ҳам ҳеч нарса бўлмай қолди.

“Билағон”лар “табиат”нинг бу “ғазаби”га дарров ўз тахмин ва мулоҳазаларини рўпара, рўкач қилишади. Улар инсоннинг табиатга бўлар-бўлмасга аралашуви, хавога турли заарли газ ва буғларнинг кўплаб чиқарилиши (парник эфекти), осмондаги озон қатламишининг емирилиши, ер ва сув ресурсларининг ўзбошимчалик билан тасаруф қилиниши каби ўнлаб, юзлаб сабабларни ўйлаб топишидию, аммо оддий бир ҳақиқатни тан олгилари келмайди. Буларнинг бари инсонларнинг Аллоҳга итоатсизликлари, исёнлари, гуноҳ ишларга бемалол қўл уришлари, Аллоҳ белгилаб қўйган чегараларни кўпол равишда бузишларига нисбатан юборилаётган илоҳий жазонинг кўринишлари эканини ўйлаб ҳам кўришмайди.

Инсонларнинг ҳозирги пайтдаги ҳаддан ошишлари, бузуқлик ва гуноҳ ишлардан тап тортмасликлари туфайли уларнинг Аллоҳнинг жазосига, У Зот юборадиган

бало-оғатларга гирифтор бўлишлари шубҳасиз! Фаҳш ва бузуқлик бобида барча ахлоқий чегараларни яксон қилиб, кўнгилга келган ифлосликни “инсон ҳуқуқлари” ниқоби билан хас-пўшлашга уринаётган Farb дунёси бугун руҳий ҳалокат чоҳи яқинида турибди: улarda никоҳсиз туғиб қўйишлар, отанинг ёки аканинг қизи ёки синглиси билан бемалол жинсий алоқа қилиши ва энг даҳшатлиси, ҳатто фарзанд кўриши одатий ҳолга айланмоқда. Оврупа мамлакатларида фоҳишлик билан шуғулланиш худди папирос сотишдай оддий ишга айланган. Бу ерда бесоқолбозликка қонуний тус бериш “муваффақиятли” боряпти. Яқиндагина эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан “никоҳ”дан ўтишига ва бола асраб олишига қонунан рухсат берган мамлакатлар қаторига Франция ҳам қўшилди.

Ана шундай бузуқ ва ифлос ҳаёт тарзини танлаган фосиқ кимсаларга қиёматда аламли азоблар, дўзах қийноқлари, жаҳаннамда абадий қолиб кетиш даҳшати борлиги ҳақида Аллоҳ таоло қайта-қайта огоҳлантиради: «Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиласиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди улар албатта ёмонликка (яъни, ёмон жазога) йўлиқурлар» (Марям, 59); «Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳнинг) лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр – жаҳаннам бордир» (Раъд, 25).

Булар охиратдаги азоб-қийноқлар! Аллоҳ бу дунёда ҳам вақти-вақти билан турли бало-оғатларни юбориб, бандаларини огоҳлантириб туради. Иқлимнинг тубдан ўзгариб кетиши, жаҳоннинг турли ўлкаларида содир бўлаётган кучли тўфонлар, зилзилалар, давуллар ва бошқа оғатларнинг, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган касалликларнинг содир бўлиши, минглаб кишилар ҳаётига зомин бўлаётган катта фалокатларнинг кўпайгани ана шундай огоҳлантиришлардан бошқа нарса эмас. Аллоҳ таоло айтади: «Одамларнинг қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) оғат-балолар юз берди. (Бу бало ва оғатлар одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан) қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) тортириб қўйиш учундир» (Рум, 41); «(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз билан қилган нарса-гуноҳ сабаблидир» (Шўро, 30); «Ёки (агар Аллоҳ хоҳласа, қаттиқ бўрон юбориб, кемадаги одамларнинг) қилган гуноҳлари сабабли у (кема)ларни ҳалок қилур» (Шўро, 34).

ИЙМОН ОРОМИ – АЛЛОХ ИНЬОМИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ



Ким иймондан сүнг Аллоҳга куфр келтирса – қалби иймон ила ором топа туриб, зўрланганлар бундан мустасно, – ким кўксини куфрга очса, бас, уларга Аллоҳдан ғазаб бор. Уларга буюк азоб бор (Наҳъл сураси, 106-оят).

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أَكْثَرَهُ وَقْلَبُهُ
مُطْمِئِنٌ بِالْإِيمَانِ وَلَا كُنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدَرَ فَعَلَيْهِمْ
غَضَبٌ مِّنْ أَنَّ اللَّهَ وَلَهُ عَذَابٌ عَظِيمٌ

۱۰۶

Ислом дини янги келган даврда Макка кофирлари оз сонли мусулмонларни мисли қўрилмаган қийиноқларга, азоб-уқубатларга солдилар. Кофирларнинг бу ишлардан кўзлаган бирдан-бир мақсадлари мўминларни иймондан қайтариб, яна кофир қилиш эди. Аммо мусулмонлар бу азобларга сабр қилиш билан инсоният тарихи сахифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган намуналар кўрсатдилар. Мушриклар буюк саҳоба ҳазрати Билол розияллоҳу анхуни турли йўллар билан азобладилар. Мисол учун, у кишини шиддатли иссиқ пайтида чалқанча ётқизиб, кўклислирга кун иссиғида қизиб турган оғир харсанг тошлар қўйиб, ё диндан қайтишни, ёки шу ҳолатда

ўлиб кетишини таклиф этдилар. Ҳазрати Билол эса «Аҳад, Аҳад» деган сўзларни тақрорладилар, холос.

Шунингдек, бошқа мусулмонлар ҳам қаттиқ қийиноқларга чидадилар. Мушриклар саҳобалардан Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анху ва у кишининг оталари Ёсир розияллоҳу анху ҳамда оналари Сумайя розияллоҳу анхоларни ҳам тутиб келиб, диндан қайтариш учун қаттиқ азобладилар. Улар азобларга чидам билан сабр қилиб, иймонларидан қайтишга кўнмадилар. Сумайя розияллоҳу анхонинг икки оёқларини қозиқقا боғлаб, аврат жойларига найза санчдилар. Сўнгра Амморнинг отаси Ёсир розияллоҳу анхуни ҳам ўлдиридилар. Бу икки улуғ

инсон – эру хотин Ислом йўлида, иймон учун биринчи шаҳидлар бўлиш шарафига эришдилар. Амморнинг кўз ўнгидаги ҳам онасини, ҳам отасини ўлдирган мушриклар уни ҳам ўлдиришга қасд қилганларида, унинг оғзидан кофиirlарни рози этадиган гап чиқди. Шунда мушриклар уни ўлдирмадилар. Одамлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

– Эй Аллоҳнинг Расули, Аммор муртад бўлди, – дедилар. Бунга жавобан, Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Йўқ! Аммор бошидан товонигача иймонга тўлиқдир. Иймон унинг этига ҳам, қонига ҳам сингиб кетгандир, – дедилар.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анхунинг ўзлари ҳам йифлаган ҳолда Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, бўлиб ўтган ишларни айтиб:

– Энди нима бўлади? – деб сўрадилар. Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига:

– Қалбингда нималарни сезмоқдасан? – дедилар. Аммор розияллоҳу анху:

– Иймон оромини, – деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Агар улар тақрорласалар, сен ҳам тақрорлагин, – дедилар.

Ана шу ҳодисадан сўнг Аллоҳ таоло биз ўрганаётган мазкур ояти каримани нозил қилди. Ундан кўриниб турибдики, иймондан кейин куфрға қайтиб, муртад бўлиш улкан гуноҳдир. Ким иймонга келганидан сўнг, Аллоҳга куфр келтирса, кўксини куфрға очса, у Аллоҳнинг ғазаби ва улкан азобига дучор бўлади. Фақат бир тоифа одамларгина бундан мустасно бўладилар.

«...қалби иймон ила ором топа туриб, зўрланганлар бундан мустасно...»

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анхуга ўхшаб, қалби иймонга тўлиқ бўлгани ҳолда, муҳакқақ ўлимдан қутулиш учунгина ўзини иймондан қайтган қилиб кўрсатишса, жоиз. Шунингдек, ҳазрати Билол розияллоҳу анху каби, чида бураверса ҳам, жоиз. Ислом тарихига назар соладиган бўлсак, ҳазрати Билол розияллоҳу анхуга ўхашашга интилган кишиларни кўпроқ қўрамиз.

Машхуртағсирчилардан Ибн Касирраҳматуллоҳи алайҳи саҳобалардан бири Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анху ҳақларида қўйидагиларни ривоят қиласидилар. У киши румликларга асир тушибидилар. У кишини подшоҳлари олдига олиб боришибди. Подшоҳ унга:

– Насроний бўл, сени мулкимга шерик қиласман ва қизимга уйлаб қўяман, – дебди. У киши эса:

– Агар ҳамма мулкингни ва арабларнинг ҳамма мулкини берсанг ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динларини бир лаҳзага ҳам тарк қиласман, – деб жавоб берибидилар.

– Унда сени ўлдираман, – дебди Рум подшоҳи.

– Билганингни қил, – дебдилар Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анху.

Шунда подшоҳнинг амири билан у киши осиб қўйилиб, камончилар унга тегар-тегмас ҳолда ўқ отиб туришибди. Подшоҳ яна саҳобийга насронийлик динини таклиф этибди. Қабул қиласманларидан кейин осилган жойларида қайтариб туширишибди. Подшоҳ катта қозонни қиздиришни амр қилибди. Қозон роса қизиганда, бир мусулмон асирни олиб келиб, унга ташлашган экан, асир бир зумда жизғанак бўлиб қолибди. Подшоҳ Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анхуга яна насронийликни қабул этишни таклиф қилибди. У киши яна бош тортибидилар. Шунда подшоҳ у кишини қозонга ташлашга буюрибди. Жаллодлар у кишини қозонга яқинлаштирганларидан, йифлабдилар. Подшоҳ, энди қабул этса керак, деб умид қилиб, ҳузурига чақириб, нимага йифлаётганларини сўрабди. У киши розияллоҳу анху:

– Аллоҳнинг йўлида қозонга ташланётган жоним биттагина бўлганидан, танамдаги туким сонича бўлмаганидан йифламоқдаман, – деган эканлар.

Мусайламатул Каззоб ўз қўлига тушган Ҳабиб ибн Зайд розияллоҳу анхуга:

– Муҳаммад Аллоҳнинг Расули, деб гувоҳлик берасанми? – деди.

– Гувоҳлик бераман, – деди Ҳабиб ибн Зайд розияллоҳу анху.

– Менинг Аллоҳнинг расули эканимга гувоҳлик берасанми? – деди Мусайламатул Каззоб.


– Эшитмаяпман, – деди Ҳабиб ибн Зайд розияллоҳу анху.

Мусайламатул Каззоб унинг этидан бир парча кесиб туриб, яна сўради. У яна:

– Эшитмаяпман, – деди. Мусайламатул Каззоб унинг танасидан парча-парча қилиб кесаверди. Ҳабиб ибн Зайд розияллоҳу анху ўлгунича собит тураверди.

Уламоларимиз: «Мусулмон одам учун дину дийнат, иймон йўлида кофиirlарнинг азобига чида азийматдир, асл ҳукмдир; қалби иймонга тўла туриб, жонни сақлаш учун тили билан гап айтиб, қутулиш рухсатдир», дейдилар

(“Тафсири Ҳилдадан”)



ҚУРЬОН ҮҚИНГ, ҚУРЬОННИ ҮРГАНИНГ!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларидан биррида жам бўлиб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилсалар, уни ўргансалар, албатта, уларнинг устига сакийна тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб олади ва Аллоҳ Ўз хузуридагилар қаторида зикр қиласди», дедилар».

(Имом Муслим ва Абу Довуд ривоят қи-лишган).

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадисларида бошқа яхши амаллар қатори, илм талаб қилишнинг ва Қуръони Каримни тиловат қилишнинг, уни ўрганишнинг фазлини ҳам баён қилганлари учун муаллиф уни илм китобида келтирганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадиси шарифда ҳар бир мўмин-мусулмон қилиши лозим бўлган яхши амаллардан бир нечтасини ва уни бажарган мўмин-мусулмон бандага бериладиган мукофотларни зикр қилмоқдалар.

Шу орқали умматларини ўша яхши амалларни қилишга тарғиб этмоқдалар. Келинг, ўша амаллар ва уларнинг натижаларини бирма-бир кўриб чиқайлик:

«Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради». Илмга қизиқтириш

учун бундан ортиқ тарғиб бўлмаса керак. Ҳар бир инсоннинг олий мақсади жаннат. Жаннатга эришиш учун у ҳар нарса, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр. Илм талаб қилиш эса, жаннатнинг йўлига тушишдир. Илм йўли билан борган одам охири жаннатнинг эшиги олдидан чиқади.

Кези келганда муҳим бир масалани эслаб қўйиш зарур. Ояти карима ва ҳадисларда зикри келган илм ҳақида кишилар ичидан тушунмовчилликлар мавжуд. Баъзилар, оят ва ҳадисларда зикр этилган илм-дан мурод диний илмлар, дейдилар. Бу нотўғри фикр! Оят ва ҳадисларда зикри келган илм ҳамма фойдали илмларни ўз ичига олади. Диний илмлар, албатта, биринчи ўринда туради. Аммо бошқа илмлар кўзда тутилмаган дейиш мутлақо нотўғридир.

Агар фақат диний илмлар кўзда тутилса, бу нарса алоҳида қайд қилинади. Мисол учун, Аллоҳ кимга яхшиликни раво кўрса, динда фақих қилиб қўяди, дейилган ҳадис бор. Шунга ўхшаш бошқа исломий илмлар ҳақида гап кетганда уларнинг номи ва сифати ҳам зикр қилинади.

Яна бир тоифа кишилар илм ва унинг савоби ҳақида сўз кетганда, ким бўлса ҳам илмли бўлса, ушбу гап ва савоблар унга ҳам тегишли, дейдилар. Кофир, мунофиқ, фосик, ибодатсиз кишилар томонидан илмга уриниш бўлса, уларни ҳам мазкур ваъдаларда ҳаққи бор, дейдилар. Бундоқ кишилар Исломда ҳар бир амални қабул

бўлиши, савоби етиши учун иймон, ният, ихлос шартлигини унубтиб қўйган одамлардир.

Шунинг учун ояти карима ва ҳадиси шарифларда зикри келган илмдан мурод, барча фойдали илмлар бўлиб, уларга қилинган ваъдаларга иймон ва ихлос билан уринган мўмин-мусулмонлар эришади, дейишимиз тўғри бўлади.

Бу қоидани ушбу ҳадиси шарифга ишлатадиган бўлсак, мўмин-мусулмон киши ўзи учун, жамияти учун, инсонлар учун фойдали илмга «бу амр менга Аллоҳнинг амри, Исломнинг талаби» дея уринса, у жаннатнинг йўлига тушган бўлади. Аллоҳ таоло унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради.

Бу ҳадиси шарифда Аллоҳнинг уйлари бўлган масжидларда Аллоҳнинг Китоби бўлмиш Қуръони Каримни тиловат қилган, ўргангандарга тўртта буюк даража ваъда қилинмоқда:

«Албатта унинг устига сакийна тушади». «Сакийна» – сокинликдан олинган бўлиб, қалб хотиржамлиги, ҳамма тарафдан сокинлик, хотиржамликни англатади. Демак, масжидда жам бўлиб Қуръони Каримни етарли даражада тиловат қилган, уни ўргангандарга қалб хотиржамлиги, ҳар бир нарсада сокинлик, хотиржамлик тушади. Қуръони Каримнинг хайру баракаси уларнинг ҳаётларини безайди.

«Уларни раҳмат ўраб олади». Яъни, ўша масжидда ўтириб Қуръон тиловат қилиб, унинг маъно ва ҳукмларини ўрганаётган кишиларни Аллоҳнинг раҳмати ўраб олади. Мўмин-мусулмон қавм учун уни Аллоҳнинг раҳмати ўраб олишидан ҳам кўра яхшироқ ҳолат бўлмаса керак!

«Фаришталар қуршаб олади». Яъни, ўша масжидда ўтириб Қуръон тиловат қилаётган, уни ўрганаётган кишиларни Қуръоннинг ҳурматидан фаришталар қуршаб оладилар. Дунёда фаришталар ҳурмат билан қуршаб турган бир қавм бўлса, ана ўша қавм бўлади. Ҳеч бир мусулмон қавм учун бундан ортиқ муборак мақом бўлмаса керак!

«Аллоҳ Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қиласди». «Аллоҳнинг ҳузуридагилар» –«Малауъил Аъло» номли олиймақом зотлардир. Бу энг олий мақомдир. Тўпланиб Қуръон тиловат қилган, уни ўрганиб турган қавмларни Аллоҳ таоло ўша олиймақом зотлар билан бирга зикр қилас экан. Бу дунёда бирор мансабдор бир одамнинг номини тилга олиб қўйса, ўша одам умрбод «фалончи акам мени фалон жойда, фалон вақтда зикр қилган», деб ғурурланиб юради.

Энди Аллоҳ таоло ўз ҳузуридаги энг олиймақом зотлар қаторида зикр қилиши қанчалик бахт эканини тасаввур қилиб кўринг. Бу олий мақомга эришиш эса жуда ҳам осон. Аллоҳ таолонинг китоби – Қуръони Каримни тиловат қилиш, уни ўрганиш керак, холос.

Энди инсоф билан ушбу ҳадиси шариф ҳикматларини ҳаётимизга солиштириб қўрайлик. Сўнgra ўзимизни ким эканимизга баҳо берайлик. Илм талаб қилиш масаласини қўрайлик. Илм талаби йўли – жаннат йўли эканини ҳаммамиз тушуниб етганмизми? Илмга динимиз талаб қилгандек уринамизми? Нима учун динимиз илм талабини ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарз қилган бўлишига қарамай, кўплаб мусулмон юртларида ялпи саводсизлик ҳукм сурмокда?

Дунёдаги бошқа миллатлар илмнинг юқори чўққисига чиққан бир пайтда кўпгина мусулмон давлатлар ахолисининг ярмидан кўпи ўқиш-ёзишни билмайди. Кўпларида таълим ишлари йўлга қўйилмаган. Му-

сулмонлар ҳаётнинг энг зарур соҳаларида ўз олимлари йўқлигидан файридинлар ёрдамига муҳтожлар. Бошқалар болаларини илм олишга ундасалар, мусулмонлар болаларини пул топишга, мол боқишига мажбур қиласидилар. Бошқаларда илм ва олимлар юксак қадрланса, мусулмонларда илм ва олимлар ерга урилади.

Исломнинг илм дини эканининг аломати шуми?! Қуръони Каримда илмга тарғиб қилувчи оятларга амал қилиш шуми?! Илм ҳақидаги ҳадиси шарифларга амал қилиш шуми?!

Бу ҳолатга барҳам бериш пайти келган. Ҳар бир мусулмон илмга нисбатан муносабатини Ислом таълимотига мувофиқ қилиб олиши керак. Ҳар ким ўзига керак нарсанинг илмини талаб қилиши лозим. Ҳар бир соҳада ўз эҳтиёжимизни қондирадиган олимлар тайёрлашимиз фарзи кифоя. Бўлмаса ҳаммамиз баробар гуноҳкор бўламиз.

Энди Қуръон тиловати ва уни ўрганиш масаласига ўтайлик.

Қуръон – илоҳий дастур, икки дунё саодатининг қалити. Қуръон тиловат қилиш, ўрганиш ва амал қилиш учун Аллоҳ томонидан юборилган. Уни тиловат қилиш ва ўрганиш юксак даражаларга етказади. Қуръонга амал қилиш улуғ мартабаларга етказади.

Бас, шундай экан, Қуръон тиловат қилмайдиган мусулмон бўлиши мумкинми?

Энди инсоф билан айтайлик, ичимиздан неча фоизимиз Қуръон ҳарфларини таниймиз?

Неча фоизимиз Қуръон тиловатини биламиз?

Неча киши Қуръонни аввалидан охиригача тўғри тиловат қила олади?

Неча киши Қуръоннинг маъноларини, ҳукмларини дарс қилиб ўқиган ёки ўқимоқда?

Ушбу саволларга жавобимизга қараб ўзимизнинг қандай мусулмон эканимизни билиб олишимиз мумкин.

Нима учун Қуръон ўқимаймиз, уни ўрганмаймиз?

Нима учун устимизга сакийна – хотиржамлик тушишини хоҳламаймиз?

Нима учун ўзимизни Аллоҳнинг раҳмати ўраб олишини истамаймиз?

Нима учун бизни фаришталар қуршаб олишини хоҳламаймиз?

Нима учун Аллоҳ бизни ўзига муқарраб зотлар билан бир қаторда зикр қилишини истамаймиз?

Бу аҳволимиз ўта ачинарли ҳолдир. Мусулмонман, деган ҳар бир кишига Қуръон тиловат қилиш, уни ўрганиш фарз эканини тўлиқ тушуниб етишимиз керак. Ҳар бир мусулмон ўзининг илоҳий дастурини ўқиб-ўрганиши лозим. Бу ишда масжидлардан кенг фойдаланиш керак. Зотан масжиднинг бош вазифаларидан бири ҳам шу!

Ҳадиси шарифда масжидда тўпланиб Қуръон тиловат қилиб, уни ўрганётган қавм ҳақида сўз кетмоқда. Авваллари алоҳида дарсхоналар, мадрасалар бўлмаган. Ҳамма нарса масжидда амалга оширилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам саҳобаларга Қуръони Каримни масжидда ўтириб ўргатганлар. Кейинги авлодлар ҳам шундоқ қилганлар. Ҳозирда ҳам мусулмон ўлкаларда Қуръон таълими асосан масжидларда бўлади. Агар шундоқ қилсан, Аллоҳ хоҳласа, аста-секин диний саводсизликка барҳам беришимиз мумкин бўлади.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”дан олинди)

АБДУЛЛОХ ИБН УМАР



Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб ал-Адавий (р.а.) машхур саҳобалардан, хулафои рошидиндан иккинчи халифа Умар ибн Хаттобнинг ўғли эди. Ҳижратдан олдин туғилган, болаликдаёқ Маккада Исломга кирган. Асҳоби киромнинг энг улуғ олим ва мужтаҳидларидан бўлиб етишди. Абдуллоҳ Ҳижоз фиқҳининг тамал тошини қўйди ва олтмиш ўшл фатво берди. Бадр, Уҳуд ва бошқа барча маҷра-каларда қатнашган эди. Отаси Ҳазрати Умар билан Мадинага ҳижрат қилган, Африқо юртларига икки марта фатҳга борган. Ҳазрати Усмон вафотларидан сўнг халифалик тақлиф этилганида бош тортган. Пайғамбаримиздан (а.с.) 2630 та ҳадис ривоят қилиб, бу борада фақат Абу Ҳурайрадан (р.а.) кейин туради. Шундан 170 тасини Имом Бухорий ва Муслим муштарак келтиришган, 81 тасини ёлғиз Бухорий, 31 тасини Муслим келтирган. 2348 таси бошқа китобларда зикр этилган. Умри оҳирида кўзи ожиз бўлиб қолган. Ҳижрий 73 (милодий 692) ўши саксон тўрт ёшда Маккада ҳаж пайтида вафот этиган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг пайғамбар бўлганларига уч йил тўлган эди. Макканинг кўзга кўринган одамларидан бири Умар ибн Хаттобнинг хотини Зайнаб бинти Мазъун ўғил кўрди. Ҳа, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг эмиқдош ақалари, машхур саҳобий Усмон ибн Мазъун розияллоҳу анхунинг сингиллари Зайнаб бинти Мазъун ўғил кўрди. Эр-хотин янги меҳмонга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар. Бу фарзанд мусулмон оиласда мусулмон бўлиб вояга етди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху ўз отасининг Ислом учун олиб борган тинимсиз курашининг жонли гувоҳи бўлиб ўсиб борар эди.

Ота-онаси билан ҳижрат қилганида у ўн ёшда эди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху ўзининг буюк отасидан кўп нарса ўрганди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламдан яхшиликларнинг

ҳаммасини битта қолдирмай ўрганди. У кичикилигиданоқ ҳар бир ишни худди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам қилганларидек қилиши, тақвоси билан ном чиқарди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху жуда ёш бўлишига қарамай, ўзидан катта мусулмонлар нима қилсалар, ўшани қилишга жазм этар ва буни уддалар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам бошлиқ мусулмонлар Бадр жангига тайёргарлик бошлаганларида ўн икки ёшли Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху ҳам урушда қатнашиш истагини билдириди.

Ибн Асокир Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг ўзларидан ривоят қиласи: «Бадр куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламга рўпара қилиндим. У зот мени кичик санаб қабул қилмадилар. Мен учун ўша кечасидек бедорлик, маҳзунлик ва йиғи кечаси бўлмаган. Чунки ўшанда мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассал-

лам қабул қилмаган эдилар».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху Уҳуд жангига ҳам ёши кичикилиги учун қатнаша олмади. Фақатгина Хандақ урушида энг ёш саҳобийлардан бўлиб, жангда қатнашиш баҳтига муяссар бўлди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам Уҳуд куни мени урушга олиш учун кўриқдан ўтказдилар. Ўшанда ўн тўрт ёшли бола эдим. Шунда менга ижозат бермадилар. Хандақ куни яна кўриқдан ўтказдилар. Ўшанда ўн беш ёшли бола эдим. Шунда менга ижозат бердилар» (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насойи ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг қолган барча жангларида иштирок этишга мушарраф бўлдилар ва ўша ёш пайтларидаёқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг қолган барча жангларида иштирок этишга мушарраф бўлдилар ва ўша ёш пайтларидаёқ

салламнинг икромларига сазовор бўлдилар. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг оталари Умар ибн Хаттоб халифа бўлганларида у киши учун ўзларидағи зоҳидлик, тақводорлик ва бошқа энг яхши сифатларни сайқаллаш даври бўлди, десак хато қўлмаган бўламиз. Чунки барча нарсада ўта талабчан ҳазрати Умар розияллоҳу анху ўз фарзандларига нисбатан яна ҳам талабчанроқ эдилар. Бошқаларга рухсат берган нарсаларида ҳам ўз оила аъзоларига, хусусан, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхуга рухсат бермас эдилар.

Имом Байҳақий, Саъид ибн Мансур ва Ибн Абу Шайбалар Ибн Умардан ривоят қиласидилар: «Туялар сотиб олдим. Уларни кўриқхонада боқ-тиридим. Семирганида бозорга олиб келдим. Умар бозорга кириб қолди. У семиз туяларни кўриб: «Бу туялар кимники?» деди. «Абдуллоҳ ибн Умарники», дейишди. «Эй Абдуллоҳ ибн Умар! Оҳ! Оҳ! Мўминлар амирининг ўғли!» дебе бошлади. Юргургилаб, олдига бордим-да: «Сизга нима бўлди, эй мўминларнинг амири?» дедим. «Буляр қандай туялар?!» деди. «Мен сотиб олган туялар. Уларни кўриқхонага юбориб, мусулмонлар истаган нарсани мен ҳам истадим», дедим. «Мўминлар амири ўғлининг туяларини бокинглар! Мўминлар амири ўғлининг туяларини суғоринглар! Эй Абдуллоҳ ибн Умар! Ўз сармоянгни олгин-да, ортганини Байтулмолга қў-й!» деди». Ушбу ҳодисадан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху ўз оталаридан яқин одамининг номини сотиб, ўзига фойда орттириш фазилатли иш эмаслигини, ундан кўра жамоат мулкини муҳофаза қилиш зарурроқ эканини билиб олдилар.

Ибн Можа Ибн Умардан ривоят қиласиди: «У дастурхонда ўтиrsa, олдига Умар кириб қолибди. У унга жой бўшатиби. У «Бисмиллаҳ» деб кўл чўзиб, бир луқма ебди-да, ортидан яна бир луқма олиб туриб: «Таом ёғли бўлибдими? Аммо ёғи гўштнинг ёғига ўҳшамайди», дебди. Абдуллоҳ: «Эй мўминларнинг амири! Бозорга чиқиб, семизроғидан олмоқчи бўлган эдим, қиммат экан. Бир дирҳамга озғинини сотиб олдим. Яна бир дирҳамга ёғ сотиб олиб қўшдим», деди. «Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бу иккиси жам бўлса, бирини еб, иккинчисини садақа қилар эдилар», деди у. «Эй мўминларнинг амири, олинг. Бундан ке-тайн бу иккиси менинг ҳузуримда жам бўлса, албатта мен ҳам ўшаңдай қиласман», деди Абдуллоҳ».

Учинчи рошид халифа Усмон ибн Афон розияллоҳу анху давларига келиб, ўзларидан катта саҳобалар жуда кўп бўлишига қарамай, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху илм ва мартаба борасида Ислом оламида салмоқли ўринга эга бир шахсга айланган эдилар. Шунинг учун ҳам халифа у кишига жамиятнинг бош қозиси бўлишни таклиф қиласидилар.

Имом Тобароний Абдуллоҳ ибн Мавҳибдан ривоят қиласиди: «Усмон Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхуга: «Бориб, одамлар ўртасида қозилик қил», деди. «Мени афв қилсангиз, эй мўминларнинг амири», деди у. «Йўқ! Мен қатъий қарор қиласидим. Сен албатта қозилик қилмоғинг керак», деди халифа. «Шошилманг! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ким Аллоҳ-ла паноҳланса, ҳақиқий паноҳ топур», деганларини эшитганман», деди у. «Тўғри», деди халифа. «Албатта, мен қози бўлишдан Аллоҳдан паноҳ сўраганман», деди у. «Сени бундан нима тўсмоқда? Ахир отанг қозилик қиласди-ку?!» деди халифа. «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким қози бўлсаю, жоҳиллик или ҳукм чиқар-са, дўзах аҳлидан бўлур. Ким илмли қози бўлсаю, ҳақ или ёки адолат или ҳукм чиқарса, Аллоҳга зўрга қайтур», деганларини эшитганман», деди у». Умуман олганда, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху кўпгина ҳолатларда эҳтиёткорлик тарафини қаттиқ ушлар эдилар. Илмлари тубсиз дengizdек кўринса ҳам, билмаган нарсаларини «бilmайman» дейишдан фаҳрланар эдилар.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анхунинг халифалик давларида Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху амалдорликдан бош тортган бўлсалар ҳам, жон диллари билан муҳоҳидлик қиласидилар. У киши кўпгина фатҳ ишларида фаол иштирок этдилар. Ўша вақтда лашкарбошилардан бири Са-

ъид ибн Осс розияллоҳу анху Тобаристонни фатҳ қиласиди. У киши билан бирга бу ишда ҳазрати Али розияллоҳу анхунинг икки ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнлар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анхум ва бош-қа кўпгина катта саҳобалар қатнашдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху тўртинчи рошид халифа – Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг давларидаги энг муҳим ҳодисада, яъни у кишининг Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анху билан бўлган қуролли мажароларида мутлақо иштирок этмадилар. У киши орадаги келишмовчиликни ҳал қилишда куч ва қурол ишлатишга қарши бўлганликлари учун бу масалада бетараф турдилар. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху қуролли фитна ҳақида сўз очилганида: «Ким «Ҳайя алас-солаҳ», яъни, «Намозга кел», деса, «Ҳўп», дейман. Ким «Ҳайя алал-фалаҳ», яъни, «Нажотга кел», деса, «Ҳўп», дейман. Ким «Мусулмон биродарингни ўлдиришга кел», деса, «Йўқ», дейман», дер эдилар». Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху мусулмонлар бир-бирларининг қонларини тўкишларига қарши эдилар. У киши умуман, мусулмон бандага озор етказишни хоҳламас эдилар. Шунинг учун ҳам мазкур қуролли мажарога ўз ҳиссаларини қўшишни истамадилар. Аслида Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг кўнгиллари ҳазрати Али розияллоҳу анхуда эди. У киши кейинроқ «Бу дунёда ўзим қўлмаган нарсалардан фақат Али билан бирга жанг қўлмаганимга афсус қиласман, холос», деганлар.

Тақдирнинг тақозоси билан мажароли ишлар Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анхунинг халифа бўлиши билан яқунланди. У кишининг забардаст жамият бошлиғи бўлганлиги ҳаммага маълум. Аммо бу забардастлик Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхуга ўтмас эди. У киши Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анхуни ҳеч тап тортмай танқид қиласар, айблари бўлса, фош қиласар эдилар. У кишини бу йўлдан жамият бошлиғининг дўй-пўписалари ҳам, таҳдидлари ҳам қайтара олмас эди.

Умавийларнинг ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ва золимлиги билан донг таратган машхур кўмондони Ҳажжоқ бир куни ўз нутқида: «Абдуллоҳ ибн Зубайр Аллоҳнинг Китобини ўзгартириди», деди. Бу гапни эшитишлари билан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху: «Ёлғон айтдинг! Ёлғон айтдинг! Ёлғон айтдинг!» дедилар. Ҳажжоқ хайратдан қотиб қолди. У ўзига қарши бунчалик журъат бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг жасоратлари олдида лол қолди. Бир оздан сўнг ўзига келгач, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхуга қаттиқ жазо бериш ҳақида таҳдид қила кетди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху бўлсалар унга қарата қўлларини пахса қилиб: «Сен айтгаётган дўйларингни амалга оширишинг ҳеч гап эмас! Бундан ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки сен эси паст, аҳмоқсан!» дедилар. Одамларнинг хушлари бошларидан учиб, анграйиб қолган эдилар.

Орадан йиллар ўтди. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анхудан сўнг ўғли Язид жамиятни бошқара бошлиди. Унинг ўғли Муовия иккинчи эса, ўз ихтиёри билан халифалиқдан воз кечди. Ўшанда умавийларнинг бошлифи Марвон ибн Ҳакам Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг ҳузурларига келиб: «Қўлингни узат! Сенга байъат қиласиз! Сен арабларнинг саййидининг ўғлисан!» деди. «Ахли машриқни нима қиласиз?» дедилар Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху. «Уларни уриб, байъат қилдирашимиз», деди Марвон. «Аллоҳга қасамки, мен етмишга кирганимда менинг сабабимдан бирор кишининг ўлдирилишини хоҳламайман», дедилар Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг катта олим эканларини ўз замондошлари ҳам тан олган эдилар. Ибн Саъд Амр ибн Динордан ривоят қилади: «Ибн Умар катта факихлардан ҳисобланар эди». Ибн Абдул Барр ўз китобида ёзишича, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху: «Илм уч нарсадир: нотиқ китоб, ўтувчи суннат ва «билмайман» дейиш. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхуда илмнинг

ушбу уч тури ҳам етарлича бор эди. У киши Аллоҳ таолонинг Китобини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини жуда яхши билар эдилар. Шу билан бирга, билмаган нарсаларини дарҳол тан олар ва ўз жойида «билмайман» дейиш билан фахрланар эди.

Бир куни бир одам келиб, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхуга савол берди. У киши «Билмайман» деб жавоб бердилар. Сўровчи ор-қасига қайтиб кетди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху дарҳол қўлларини бир-бирига ишқаб, хурсанд бўлган ҳолларида: «Абдуллоҳ ибн Умардан у билмайдиган нарсаси сўралган эди, у «Билмайман», деди!» деб айтдилар.

Ибн Абдул Барр «Жомиъул илм» китобида Уқба ибн Муслимдан ривоят қилади: «Ибн Умарга ўттиз тўрт ой ҳамсуҳбат бўлдим. Ундан савол сўралганда кўпинча «Билмайман», дер эди-да, сўнгра менга қараб: «Анавилар нимани исташини билдингми? Улар бизнинг елкамизни жаҳаннамга кўприк қилиш-моқ-чи», дер эди».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху ўзларининг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган каттаю кичик барча ишларига ўта дақиқлик или эргашишлари билан шуҳрат қозонган саҳо-бийдирлар. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан нимани кўрган ёки эшитган бўлсалар, худди ўзидек қилишга қаттиқ тиришар эдилар.

Имом Баззор яхши иснод билан ривоят қилади: «Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху кундузи Макка билан Мадина орасидаги бир дараҳт олдига келиб, унинг остида ухлар эди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қилганликлари ҳақида хабар берар эди».

Ибн Асокир Нофөй розияллоҳу анхудан ривоят қилади: «Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нағоз ўқи-ған жойларидаги асарларини ахтариб, шунга эргашар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир дараҳт тагида дам олган эдилар. Ибн Умар ўша дараҳтнинг олдига тез-тез бориб турар ва қуриб қолмасин деб, остига сув қўйиб турар эди».

Имом Аҳмад ва Баззорлар Мужоҳид розияллоҳу анхудан ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху билан бирга сафарда эдик. У киши бир жойдан ўтаётib, бурилиб кетди. У кишидан: «Нега бундай қилдингиз?» деб сўралди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундоқ қилганларини кўрган эдим», деди».

Имом Бухорий ва Аҳмад ривоят қиладилар: «Ибн Умар розияллоҳу анху қаҷон Каъбанинг ичига кирса, эшикка орқасини қилиб юриб борар, токи ўзи билан деворнинг орасида уч аршинча қолганда тўхтар ва Билол унга хабар берганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиган маконда намоз ўқир эди ва: «Бир киши Байтнинг қайси тарафида намоз ўқиса, бўлаверади», дер эди.

Албатта, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху бу ишларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам амал қилган нарсаларни худди ўзларига ўхшатиб тақрорлаш ила савобга сазовор бўлиш нијатида қилганлар. У киши бу ишни саҳобалар ичидан бир ўзлари қилганлар. Бошқа саҳобалар Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхуга ўшшаб, каттаю кичик ҳар бир ишда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилганларини айнан тақрорлашга ҳаракат қилишмаган. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг ижтиҳодлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари эса у кишини юқорида баъзи намуналари келтирилган амалларни қилишга чорлаган.

Ана шу муҳаббат Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг ёш бўлишларига қарамай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик даврларида энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобийлар рўйхатидан иккинчи ўринни эгаллашларига сабаб бўлди. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этган пайтда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг эндигина йигирма бир ўшга кирганиларига эътибор берадиган бўлсак, бу ишнинг нақадар улуғвор иш эканини яна ҳам яхшироқ ҳис этамиз. Ибн Умар розияллоҳу анху ҳаммаси бўлиб 2630 та ҳадис тўплаганлар ва

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу-дан кейинги ўринни эгалладилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бошқа хислатлар бўйича шогирд тушганлари каби зоҳидлик бўйича ҳам у зотга шогирд тушган эдилар. У киши зоҳидликнинг алиф-босидан тортиб, нозик жойларигача – барчасини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрганганд ҳамда. Дунёнинг барча матоҳларига эришиш имкони бўла туриб, Аллоҳнинг ишқида улардан ўз ихтиёри билан воз кечишдек ажойиб хислат, яъни зоҳидлик хислати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳуда ёшлик вақт-ларидаёқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан олган дарсларидан ҳосил бўлган эди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳуга Аллоҳ таоло жуда кўп молдунё ато қиласи тажир эдилар. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу тижорат вақти келса, урушга тенг бўлишини айтганлар. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу «Урушдан кейинги менга энг афзал ўлим савдо моллари ичидаги ўлишдир», деганлар. Аммо мол-дунё гўё у кишининг қўлларидаги ходимлари эди. Улар у кишининг измида эдилар. У киши молу дунёнинг измига тушиб қолмаган эдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу катта тожир ва молдор одам бўлсалар ҳам, ўзларининг зоҳидилклари билан ном чиқарган эдилар. Юқоридаги зикр этиб ўтилган халифалик ва қозилик каби олий мансаблардан ўз ихтиёрлари билан бosh тортишлари ҳам шуни кўрсатади. Ҳа, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ҳақиқий маънодаги зоҳид эдилар. У киши имконлари бўла туриб, бу дунёнинг ҳою ҳавасига ўзларини урмас эдилар.

Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича: «Ибн Умар розияллоҳу анҳу тушлик ёки кечки овқат қилсалар, атрофларига етимларни тўғлаб олар эдилар. Бир куни тушлик қилаётib, бир етимга одам юборсалар, у жойида йўқ экан. Ибн Умарнинг таом кетидан ичадиган ширин ичимлиги бор эди. У киши тушликни тамомлаб, ширин ичимлики ичмоқчи

бўлиб турган эдилар, ҳалиги етим келиб қолди. Ибн Умар ичимликин унга бериб: «Ол буни, менимча, зарар тортмадинг (овқатсиз қолмадинг)», дедилар.

Абу Нуъайм «Хўлятут Авлиё» китобида Саъид ибн Абу Ҳилолдан ривоят қиласи: «Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Жұхфага келиб тушди. У бетоб эди, «Балиқ егим келмоқда», деди. Зўрға бир дона балиқ топиб келишиди. Хотини София бинти Абу Убайдада уни пишириб, таом тайёрлади ва олдига қўйди. Худди шу пайт бир мискин келиб, унинг олдида тўхтади. Ибн Умар унга: «Буни сен ол», деди. Аҳли унга: «Субҳаналлоҳ! Ахир шу балиқ учун бизни қанча қийнадинг! Бизда бошқа таом бор. Бу мискинга ўшани берамиз», дедилар. «Абдуллоҳ ўзининг айттани бўлишини хоҳлайди», деди у».

Абу Саъид ибн Аъробий Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: «Қайси биримиз дунёни топган бўлсан, албатта, унга мойил бўлдик. Фақат Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу бундан мустасно», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг замонларида сахийликда у кишига тенг келадиган кишини топиш қийин эди. У киши қўлларидаги мол-дунёга Аллоҳ таолонинг розилигини топишнинг воситаларидан бири, деб қарар эдилар. Шунинг учун ҳам ўзларига мол келиши билан, тезроқ хайр-эҳсон қилиш пайдидан бўлар эдилар. У кишига молларидан қай бири ёқиб қолса, бериб юборар эди. Бир мажлиснинг ўзида ўттиз минг садақа қилиб юборган вақти ҳам бўлган. Ибн Омир унга икки марта ўттиз мингдан берди. Шунда у киши: «Эй Нофеъ! Мени Ибн Омирнинг дирҳамлари фитнага солишидан кўрқаман. Боравер, сен хурсан!» деди.

Айюб ибн Воил ар-Росибий ҳикоя қиласи: «Мадина га келсан, Ибн Умарнинг қўшниси «Ибн Умарга Муовиядан тўрт минг, бошқа бир одамдан тўрт минг, учинчи бир кишидан икки мингу бир чопон келди», деди. Эртасига қарасам, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу бозорда ҳайвонларига насияга бир дирҳамли ем олмоқда. Мен бориб, унинг уйидагилардан: «Мен бир нарсани

сўрайман ва тўғри жавоб беришингизни истайман. Кеча Абу Абдурраҳмонга Муовиядан тўрт минг, бошқа бир одамдан тўрт минг, учинчи бир кишидан икки мингу бир чопон келмаганми?» деб сўрадим. «Келган эди», дейишди. «Мен бугун бозорда унинг ҳайвонларига насияга бир дирҳамли ем олаётганини кўрдим?» дедим. «У кеча ухлашидан олдин ҳамма пулларни тар-қатиб бўлган эди. Кейин чопонни елкасига ташлаб чиқиб кетди. Қайтиб келганида, чопон йўқ эди. Сўрасак, бир фақирга берганини айтди», дейишди. Сўнгра бозорга кириб, баланд жойга чиқиб олиб: «Эй тохирлар жамоаси! Дунёни нима қиласизлар? Мана, Ибн Умарни кўринглар! Унга минг-лаб дирҳамлар келди. Ҳаммасини тарқатиб юборди! Энди ҳайвонларига насияга ем олмоқда!» дедим».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу кўп вақт-ларини нафл намоз, Куръон тиловати ва Аллоҳ таолонинг зикри билан ўтказар эдилар. У киши Куръони Карим тиловатидан мислсиз ҳузур топар эдилар. Ўзлари ўқисалар ҳам, бошқалардан эшитсалар ҳам, бирдек таъсирланар ва йиғлаб, соқоллари хўл бўлиб кетар эди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу етук обид сифатида нафл намоз, хусусан, таҳажужуд намозига ҳам алоҳида эътибор берар эдилар.

Абу Нуъайм «Хўлятут Авлиё» номли китобларида Нофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қиласидилар: «Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу кечасини намоз ўқиб ўтказар эди ва: «Эй Нофеъ, сахар кирдими?» деб сўрар эди. У: «Йўқ», дер эди. У киши яна намоз ўқиша давом этар эди. Сўнгра яна: «Эй Нофеъ, сахар кирдими?» деб сўрар эди. У: «Ҳа», дер эди. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ўтириб олиб, тонг отгунча дуо ва истиғфор билан маш-ғул бўлар эди».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу етмиш учинчи ҳижрий санада, саксон уч ёшларида Маккан Мукаррамада вафот этдилар. Аллоҳ таоло у кишидан рози бўлсин, омин!

МАЙМУН

“АВЛОДЛАРИ”НИНГ ТАНАЗЗУЛИ

**ХАЁТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИНИ ЎРГАНУВЧИ ИЛМ
ДАҲРИЙЛИККА (АТЕИЗМГА) ҚАҚШАТФИЧ ЗАРБА БЕРДИ**

Россия Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Қуёш-Ер физикаси институти олимларининг таъкидлашларича, улар 2010 йили коинотда саксонга яқин ғаройиб жисмларни аниқлашган ҳамда уларни РО-КОСлар деб номлашган. Бу жисмлар кўринишидан юлдузга ўхшаса ҳам, бироқ аслида улар юлдуз эмас экан.

Институт ходими Григорий Бескиннинг тахминича, “Булар қудратли тамаддунлар (цивилизациялар) томонидан ўзларининг қандайдир мақсадлари учун қўйган маёклари эмиш”. Яна бир олим Сергей Язев ҳамкасбининг сўзларига қўйидагиларни қўшимча қилди: “Йигирма йилларча олдин ташқи дунёдаги тамаддунларнинг Қуёш системаси таркибига аралашуви ҳақида фикр юритган олим ўз обрўсини хавф остига қўйган бўларди.

Аммо далиллар билан тортишиб бўлмайди. Айтилик, биз Қуёш тизимини “четдан туриб”, юлдузлар тизимининг биридан ўрганяпмиз. У ҳолда ўзимиздаги кўплаб “ғайритабии қонуниятлар”ни кўриб, қандай хаёлга борса бўлади?” Фалакшунослар бундай ғайритабийликларга анчадан бўён эътибор қаратиб келишяпти.

Маълум бўлишича, Қуёш системасининг сайёрамиз бўлмиш Ер жойлашган қисмидаги дақиқ ўлчамлар ҳаёт кечириш учун шарт-шароит яратишга ҳайратланарли даражада аниқ даражада “үйғунлаштириб” қўйилган экан. Булар Ернинг айланиш тезлиги, унинг оғиш бурчаги, Қуёшгача бўлган масофаси, Ой ва унинг массаси мавжудлиги ҳамда унинг яқинидаги улкан Юпитернинг ўз массаси ёрдамида ёндан учиб ўтаётган учарюлдуз (комета) ва астероидларни тутиб қолишидир...

МИЛЛИАРДДАН БИТТАСИ

Бироқ Ерда ҳам бу каби мўъжизалар кам эмаслиги маълум бўлди. Биологик обьектларни ўрганишда аниқ фанлар услубларининг (хусусан физика, эҳтимоллик назарияси, информатика) қўлланиши кўз кўриб, қулоқ эшитмаган натижаларни берди. Олимлар эҳтимоллик даражасини ҳисоблаб чиқиб, сайёрамизда ҳаёт пайдо бўлишининг тасодифийлигига миллиарддан битта ҳам имконият бўлмаган, деган хulosага келишди.

1978 йили ташки дунё тамаддунлари билан алоқа муаммоларига бағишлиланган Халқаро анжуманда келтирилган маълумотлар афтидан даҳрийлар устидан қўйиб юборилган илк совуқ сув бўлди. Унда космологлар Коинотда ҳаёт пайдо бўлиши муаммоларини фаол мухокама қилишган эди.

Оддий оқсил юзга яқин аминокислоталар деб атальувчи таркибий қисмлардан ташкил топиши мумкин. Уларнинг орасида йигирматаси ҳаёт учун зарурдир. Шунинг учун юзта аминокислотадан таркиб топган оқсил молекуласини пайдо қилиш учун уларнинг тегишли тартибда тасодифий бирлашуви эҳтимоли 20-100 га ёки 10-130 га тенг бўлади.

Олимлар Коинотдаги барча элементар зарралар унинг бутун мавжудлик даври мобайнида сониясига миллиард мартадан ўзаро ҳаракатга киришиб ҳам ушбу оқсилни яратса олмаслигини ҳисоблаб чиқишиди. Бундан ҳам ҳайратланарлироқ рақам бор: ферментларнинг тасодифий пайдо бўлиши учун зарур бўлган комбинациялар сони 10-40000 га тенг бўлади.

Анчагина машҳур космолог, Кардифф университетининг (Уэльс) амалий математика ва фалакшунослик профессори Н. Ч. Викрамасингхе “Фалак-

шуноснинг биология ҳақидаги фикр-мулоҳазалари” мақоласида буни шундай шарҳлайди: “Ҳаётнинг тасодифий жараёнлар натижасида ўз қисмларидан пайдо бўлишидан кўра, эски самолётлар қабристони узра ўтган бўроннинг металл парчаларидан янги замонавий ҳаво кемасини йиға олиши ишонарлироқдир”.

Лекин олимлар бу ҳайратланарли хulosага қандай қилиб қелганини тушунтириш учун ушбу масаланинг тарихига кичикроқ саёҳат қилишга тўғри келади.

ЎЛИКЛАР ТУҒМАЙДИ

Узоқ давр мобайнида Ерда ҳаёт пайдо бўлишининг учта назарияси машҳур бўлиб келди: 1) Худо оламни ва ундаги барча мавжудотларни олти кунда яратди, деган Инжил башорати; 2) ўн тўққизинчи асрда Г. Рихтер томонидан илгари сурилган ҳаёт саёрамизга коинотдан олиб кирилган, деган “панспермия” фарази; 3) Ердаги ҳаёт миллионларча йиллар олдин бирламчи уммонда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган, деган А. Опарин фарази.

Айнан А. Опарининг “Ҳаётнинг пайдо бўлиши” (1924 й.) тадқиқотини узоқ пайт мобайнида дахрийлар моддиюнчилик (материализм) томонидан ҳаётнинг пайдо бўлиши Худонинг ёки Онгнинг яратувчилик қудратига натижасидир, деб таъкидлаб келган художўйлик ва руҳоният фалсафасига берилган ҳалокатли зарба (нокаут) бўлди, деб талқин қилиб келинди.

Дахрийларнинг бунда севинишлари табиий эди. Уларнинг художўйлар билан аёвсиз кураши ўрта аср олимларининг ҳаёт бизнинг геологик давримизда ҳам ўзича пайдо бўлиши мумкин, деган гўлларча тахминларидан бошланган эди (Масалан, белгиялик алкимёгар Я. Гельмонт буғдой уни, чанг ва чордоқдаги эски латталарни бир-бирига аралаштирганда сичқон пайдо бўлишига ишонарди).

Шундан кейин дахрийлар узоқ йўл босишли, айниқса айрим тажрибалар борасида маълум натижаларга эришиши ҳам. Аммо ҳамма нарсани қамраб оловчи мантиқли бир назарияни яратса олишмади.

“Панспермия” фарази дахрийларни маълум маънода шармандалиқдан кутқарган нажот қайифи бўлди. Бу тахминга кўра, “ҳаёт куртаклари”ни (энг жўн микротанача-

ларни) Еримизга учар юлдузлар (метеоритлар) ёки қуёш шамоли олиб келган эмиш.

Қизифи шундаки, моддиюнчилик олдинига панспермияга тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Ваҳоланки, моддиюнчилик Ерда ҳаёт ўз-ўзидан пайдо бўлган, деб боши берк кўчага кириб қолганида айнан панспермия уни бу ҳолатдан кутқарган эди.

Кейинчалик моддиюнчилик буни тушунди ва саёрамиздаги ҳаёт ўзининг бутун ранг-баранглиги билан ўзича пайдо бўлганини исботлайман деб ҳар гал боши берк кўчага кириб қолганида бу фаразга яна бир неча мартадан қайтди. Шунинг учун ҳам бир қарашда изчил бўлиб кўринган Опарин назарияси бу кўхна саволга узоқ кутилган жавобга ўхшаб кўринди.

Бунинг қисқача моҳияти бундай эди: Ерни ўраб турган қайноқ бирламчи уммонда кўплаб углерод бирикмалари мавжуд бўлиб, улардан “коацерватив томчилар” деб номланган органик полимерлар пайдо бўлган. Бу томчилар ўзини ўраб турган қоришмадан энергияга бой моддаларни ютиб, ҳажм ва оғирлик жиҳатидан катталаш борган. Миллион йиллар мобайнида улар аста-секин тадрижийлашиб (эволюция натижасида) олдинига протобионтларга (органик моддалардан

иборат система қоришмасидан ажраб чиқканларга), кейин эса жўнгина ҳужайраларга, яъни энди тириклик хусусиятига эга прохужайраларга айланади.

Аввалига бу тажрибалар назарияни тасдиқлагандек бўлди. Опарин ўз ходимлари ёрдамида органик суюклиқда коацерват томчилар ҳосил қилишга муваффақ бўлди. Бунинг устига улар турли моддаларни ютиб, ҳажм жиҳатидан катталаша бордики, натижада бу моддаларнинг тури ва ютилиш тезлиги томчиларнинг миқдори ва уларнинг маконий таркиби билан аниқланадиган бўлди. Қойил, бу атроф мухитдан ҳамма нарсани бирварақайига эмас, ҳар бири ўзи танлаганини ютадиган биологик системанинг ўзгинаси-ку!

Аммо шу билан мос келишлар тамом бўлди. Кўплаб мамлакатлардаги жуда кўп олимлар ўнлаб йиллар мобайнида турли жараёнда ҳар хил масаллиқлар билан Опариннинг ана шу “шўрва”сини қайнатиб юришди ва уни турли нарсалар билан безайверишиди...



Натика ҳамиша қайсарона бир хил чиқаверарди: коацерватив томчилар пайдо бұлар, катталашар, лекин... күпайишни мұтлақо рад этишар эди. Бошқача сұз билан айтганда, олдиндан белгиланған алгоритм асосида фаолиятта киришиб, маълум шароитларда пайдо бўладиган ва бу хусусиятини навбатдаги авлодига узатадиган модда яратиш назарияси чиппакка чиққан эди.

Опарин хаёлий нарсани воқеъликка айлантироқчи бўлган эди. Балки у ўзининг илмий ишини "Ҳаётнинг пайдо бўлиши" деб эмас, "Ҳаёт учун зарур шарт-шароитларнинг пайдо бўлиши" деб номлаганида тўғрироқ бўларми?! Чунки у табиатдаги тадрижийликнинг (эволюциянинг) физикавий-кимёвий босқичдан қандай қилиб биологик босқичга ўтганини барибири тушунтириб бера олмади.

Жонли ва жонсиз нарсалар ўртасидаги асосий жиддий фарқлар – улар қандай қилиб ўзаро ахборот айрбошлашларидағи фарқлар қай тарзда пайдо бўлди? Унинг моҳиятини қўйидаги мисол орқали на-мойиш қилишимиз мумкин: Масалан, сайёранинг маълум бир минтақасида ҳарорат аста-секин тушиб кетса, кўллардаги сувлар ҳам ўта совиб кетади ва охири музга айланиши ҳам мумкин. Яъни, ҳарорат пасайиши кўринишидаги ахборот келиб тушиши натижасида сув бошқа бир агрегат ҳолатига ўтади, яъни ҳарорат ва босим ўзгариши билан боғлиқ ҳолатга келади.

Бу минтақада яшаётган тирик мавжудотлар эса бунга бошқачароқ жавоб қайтаради – ё иссиқ юртларга кўчиб кетади, ёки иқлим аста-секинлик билан ўзгари борса, бунга мослашади, масалан жун билан қопланади ёхуд тансига ёғ йигади. Ва шуниси муҳимки, улар бу хусусиятларини зурриётларига ҳам ўтказади. Бордию бугундан эртага ўтар кечаси ҳарорат нолдан тепага кўтарилиб кетса – сув яна суюқ ҳолига кела-ди, бироқ энди жонзотлар совуқдан ҳимоя сифатида аждодларидан қабул қилган хусусиятидан зумда воз кечолмайди – дарров ёғидан ажрамайди ёки жунини тўкмайди.

Эҳтимол, бу ўхшатиш масалани жуда жўнлаштириб юборгандай туюлар, лекин барибири умумий тарзда ўша материя тадрижийлик жараёнида бартараф этиши кепрак бўлган жонли ва жонсизлар ўртасидаги ахборот айрбошлашнинг сезиларли фарқлари ҳақида тасаввур пайдо қиласди. Оқибатда натижалари мавжуд ҳодисада қайд қилинган бу кескин ўзгариш фақат жонли нарса-га, яъни ирсиятга хос экан. Бироқ бу кескин ўзгариш айнан қандай содир бўлди – бу борада моддиюнчи-ларнинг аниқ-равшан жавоблари йўқ.

ДАРВИНГА МАЪЛУМОТ ЕТИШМАДИ

Сайёрамиздаги жонли табиатнинг яна бир ғоятда ажойиб хусусияти – унинг ранг-баранглиги ҳам ирсият билан боғлиқдир. Моддиюнчилар руҳонийлар ва художйлар билан баҳсга киришишар экан, ҳамиша Ч. Дарвиннинг табиий танланиш назариясига, генетика (ирсиятни ўрганиш фани) асосчиси Г. Мендел

кашфиётига ва уларнинг издошларига таянишади.

Барча жонли нарсалар табиатнинг боқиши имко-ниятига қараганда кўпроқ зурриёт қолдириш имко-нига эга. Бунинг устига бу зурриётнинг бир қисми ирсий алломатларнинг стандарт мажмуасидан четга чиқиб кетади, яъни ирси айнииди. Улардан айнишлари атроф мухитдаги ўзгаришларга мос тушганлари яшаб кетиш борасида маълум афзалликка эришади. Қолганлари ҳалок бўлади. Бошқача сұз билан айтганда, табиий танланиш жараёнида шароитга камроқ мослашганлар яшашга яроқсиз бўлиб қолади.

Кейинчалик, XX аср бошларида Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши якка "тирик ҳужайра"нинг тасодифан шаклланиши натижасидир, деган фараз жуда ом-малашиб кетди. Эмишки, унинг таркибиға ҳаётнинг келгуси ривожланишининг барча режалари жойлан-ган экан. 1953 йили Ж. Уотсон ва Ф. Крик ирсият механизмини жорий қилишда рибонуклеин кислотасининг аҳамиятини қашф қилишиди. Барча жонли мавжудот "жонли ҳужайра" айланиб қолган биргина оддий ҳужайрадан яралган деган фаразни энди ҳужайра даражасида исботлаш мумкинлиги аён бўлиб қолди.

Спиралга ўхшаш дезоксирибонуклеин кислотаси ҳужайралари (ДНК) ўзида биологик маълумотларни сақлайди. Тирик ҳужайра бўлинеш йўли билан кўпайганда репликация содир бўлади, яъни ДНК спи-раллари икки бараварга кўпаяди. Янги ҳосил бўлган ҳар икки ҳужайра эса ирсий маълумот ҳақидаги ах-боротни тўлиқ мерос қилиб олади. Ирсий айнишлар (мутациялар) эса, репликация жараёнидаги хатолар натижасида пайдо бўлади. Яъни, ДНК спираллари икки бараварга кўпаётган вақтда дезоксирибону-клейн кислотаси ҳужайраларининг таркиби қисми қайта жойлашади.

Жонли махлуқларнинг ҳозиргача мавжуд тур-ларининг тадрижий такомилашуви ҳақида сұз бор-ганида юқорида тилга олинган фикрлар ишонарли кўринади. Аммо ҳаётнинг умуман ранг-баранг манза-раларига келсак, у ҳолда ҳаётнинг айнан шу тарзда пайдо бўлгани ўта шубҳали туюлади.

Яна Викрамасингхенинг мақоласидан иқтиbos келтирамиз: "Битта оддийгина бактерия ташиған ахборотни репликация йўли билан сайёрамизни ма-кон тутган одам ва бошқа барча жонзотлар пайдо бўлгунича ривожлантириш мумкинлигига ишониш фирт бемаънилиларидир. Бундай "соғлом фикр" деган-лари Кўхна Аҳд китобининг (Инжилнинг) биринчи сахифасини миллиард-миллиард марталаб қайта кўчириб чиққанда бу нарса репликация хатоларининг етарли миқдордагисининг тўпланишига олиб келади ва ўз-ўзидан тўла Инжилнинг бутунисича ёки жаҳон кутубхоналарида асралаётган жилд-жилд китобларнинг пайдо бўлиши учун етарли хилма-хил-ликнинг туғилишига teng, деган тахминлар билан баравардир. Бу иккала холоса ҳам бирдай бемаъни. Ирсий айниш ва табиий танланиш жараёнлари ҳаётга

фақат арзимас таъсиринигиңа күрсатиши мүмкін, бунда у бутун тадрижийликнинг қандайдир “аниқ устқурмаси” вазифасини бажаради, холос. Ҳаёт учун энг аввало вақт борасида барча геологик даврларни қамраб олган ахборотларнинг доимий келиб тушиши ўта зарурдир”.

Ахборот тизимлари эса (ҳаётнинг барча шакллари ҳам шундай тизимлардир) янги ахборот келиб тушмаса, ривожлана олмайди. Агар Ердаги жонли мавжудотлар репликация натижасидаги хатоларни түпласуверишганида, бу улардаги ахборотнинг та-наззулига олиб келган бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда, Ерда мавжуд бўлган барча турлар (бунга одам ҳам киради) миллиардлаб йиллар мобайнида юқорида тилга олингандай биргина ўта жўн ҳаёт шакидан ривожланган деган даъволар ахборот назарияси нуқтаи назаридан мутлақо асоссизdir.

МАЙМУНЛАРГА ФОРТЕПИАНО НИМАГА КЕРАК?

Инсон онги – моддиюнчилик ишонарлироқ тушунтириб бера олмаган яна бир ҳодисадир. Моддиюнчи олимларнинг инсоннинг фикрлаши – унинг миясидаги биокимёвий жараёнларнинг (реакцияларнинг) ҳосиласидир, деган иддаолари жиддийроқ қараганда ҳеч нарсани англатмайди.

Маймуннинг миясида ҳам биокимёвий жараёнлар содир бўлиб туради. Бироқ шимпанзе маймуни ва одамнинг ирсий ахбороти атиги уч фоизгина мос келмагани ҳолда нима учун бу жараёнларнинг натижалари бунчалик тубдан фарқланади?

Ҳиндистонда маймунни қандай овлашлари ипидан-игнасигача тўлиқ баён этилган: пўртахолни бир яшиқа солиб, яшиқ деворига маймуннинг қўли аранг сифадиган тешик очиб қўйишади. Пўртахолга қўл чўзган маймун тор тешикдан қўлини тортиб ололмай қолади. У бунинг учун қанчалаб машаққатли уринишлар қилмасин, пўртахолни қўлидан қўйиб юбормайди. Яъни, маймуннинг фикрлаш дарражаси шунчалар пастки, воқеъликдан оддийгина (лекин ҳаёти учун ўта муҳим) хулоса қилишга қодир эмас.

У ҳолда маймуннинг яқин “қариндоши” саналган одам нега очиқ қўриниб турган нарсага зид, бироқ воқеъликка мувофиқ келадиган хулоса ясаш имконига эгалик даъвосини қилади? Масалан, Магелланнинг дунё бўйлаб сайёҳатидан олдин Ернинг думалоқ экани ҳақида хулоса чиқаришган ва коинотга парвоз қилишдан олдин ҳам Ернинг Қўёш атрофида (лекин аксинча эмас) айланишини билишган.

Ёки математик теоремаларни ишлаб чиқиши, мусиқавий ва адабий асарларни ижод қилиш учун зарур бўлган инсон генлари қанақасига маймун генларидан тасодифан пайдо бўлиб қолиши мүмкін? Ваҳоланки, табиий танланиш жараённанда худди шу вақтда яшаб қолиш учун зарур бўлган нарсаларгина танлаб олинади-ку! Қачон ва қайси чангальзорда шимпанзе ёки орангутанг маймунларининг яшаб

қолиш мақсадида фортепианода кўй чалиш имконини бериш учун зурриётларига ирсий белгиларни топширишлари керак бўлган?

Худди шу маънода сунъий салоҳият (интеллект) яратиш йўлидаги кўп сонли бефойда уринишлар ҳам эътиборга моликдир. Бу вазифа унинг қўйилиши вақтида маълум маънода фирт бемаъниликка ўхшайди: инсон онги ўзининг нима эканига етарли баҳо бермай туриб ўзини ўзи ясашга уринаётган кўринади.

Ва яна бир савол туғилади: агар инсон табиий тараққиёт меваси бўлмай, яратиш қудратининг маҳсули бўлган ҳолатда қачонлардир мустақил равишда шундай баҳони бера олармикин? Биохимик М. Бехе “Дарвиннинг қора қутиси” номли китобида биологик обьектлар ахборий тизим сифатида шунчалик аниқ ишларканки, кимдир уларни математик йўл билан юзага келтирган, деган тасаввур пайдо бўлишига эътиборни қаратди. Ва у онгли ижод йўналишини илгари сурдики, “Дастурчи бўлмаса, дастур ҳам бўлмайди” деган аксиома унинг ғояси бўлди.

Бунга суюнган математик У. Дембовски шундай услуги ишлаб чиқдики, унинг ёрдамида сунъий ясалган обьектларни аниқлаш мүмкін эди. Дембовски “текшириб кўрган” одам эса, сунъий яратилганлар рўйхатига тушиб қолди...

ИЛМ ИЙМОН УСТУНИГА АЙЛАНМОҚДА

Физика-математика ва биология илмлари узоқ давр мобайнида бир-бири билан деярли тўқнашмаган ҳолда параллел равища ривожланди. Уларнинг бир-бирига яқинлашуви эса юқорида тилга олинган ҳайратланарли натижалар келтириб чиқарди. Ва бу нарса олимларнинг дунёқарашига ҳам кескин таъсирини ўтказди.

XX аср бошларида даҳрийлик илм аҳли даврасида мустаҳкам мавқега эга бўлиб, Худога ишониш эса салқам калтабинлик саналарди. XXI аср бўсағасида эса вазият бутунлай ўзгариб кетди. Олимларнинг ўзлари билдирган кўпсонли фикр-мулоҳазаларга кўра, оламни англаш кучайгани сайин улар орасида моддиюнчиликнинг обрўси тобора тушиб кетяпти. У ўзининг ўрнини энг тубан маърифат ва салоҳият дарражасида оддийгина Худо деб номланган борлиқнинг ягона Яратувчиси мавжудлиги ҳақидаги далилларга бўшатиб беряпти.

*Интернет матераллари асосида
Аҳмад Мұхаммад ва
Абу Муслім тайёрлашды.*

НАЗАРНИНГ ХУКМЛАРИ

Яқинда Интернетнинг OVOZA.COM сайтида жуда долзарб мавзуда ёзилган бир мақолага кўзим тушиб қолди. Унга «Либос танани яширишгами ёки кўз-кўз қилишга?» деган сарлавҳа қўйилган эди. Муаллиф ҳақиқатан кўпчиликни ташвишга solaётган жиддий муаммони кўтариб чиқкан. Унинг мақоласида аёллар қоматини очик-ойдин кўз-кўз қилувчи тор либослар ва авратларни очиб, ярим яланғоч юриш хақида сўз олиб борган.

Уни ўқиб чиққандан кейин «Авратни очиб, баданни кўз-кўз қилган беҳаёларнинг қилмиши гуноҳ экан, уларнинг аврат жойларини хузур билан томоша қилувчиларнинг хукми нима бўлади?» деган савол ҳам ўртага чиқади. Чунки бугунги кунда беҳаёларга сукланниб қаровчилар айни манзара соҳибалиридан кўп бўлса кўпки, асло кам эмас. Бу «касаллик» ўспирин йигитлардан ўтиб, ёши бир жойга бориб қолган кексалар орасида ҳам учраб туриши янада ачинарли ҳолдир. Ҳаром қилинган нарсаларга тикилишнинг зарари, гуноҳи ва ундан тийилишнинг ажр-мукофотларини билмасликни «инсон қалбида бу иллатни шакллантирувчи омил» деб айтиш мумкин.

Аллоҳ кўз неъматини бераркан, у билан бирга банданинг зиммасига бир қанча масъулиятларни ҳам юклаган. Ҳар бир кўз эгаси илоҳий фармонга биноан маълум нарсалардан кўзларини тийиши лозим. Бордию нафси хоҳлаган йўсинда амал қиласкан, албатта қиёматда бунинг ҳисобини беради. Қуръони Каримда шундай амр қилинади:

«Сен мўминларга айт, кўзларини тийиснлар ва фаржларини сақласинлар. Ана шу улар учун покдир. Албатта, Аллоҳ нима қилаётгандаридан хабардордир» (Нур сураси, 30-оят).

Ояти каримада Аллоҳ таоло қараш ҳаром қилинган нарсаларга назар қилишдан тийилишни вожиб деб ҳукм қилибгина қолмай, кўзни тийишнинг фойдасини ҳам баён этмоқда. Ўша фойда маънавий покликдир. Демак, кўзни тийиш маънавий поклик сари чорласа, унинг акси ўлароқ кўзни тиймаслик маънавий бузуқликка олиб боради. Ҳаром нарсаларга тикилишнинг энг ха-

тарли томони шуки, бу иллат аста-секин инсонни Аллоҳнинг зикридан тўсиб, шайтоннинг йўлига олиб киради. Бу эса малъун Иблис учун қулай фурсатдир. Мўмин бу ҳолатга тушганида шайтон дарҳол уни яна ҳам шармандалироқ ҳолга тушириш пайига тушади. Қалбida васваса оловларини ёқиб, уни зино тарафга чорлайди. Зино эса, ҳаром назар олиб борадиган «сўнгги манзилдир». Ҳаром назар эгаси хаёлида «мени ким кўриб ўтирибди» деб ўзини овунтириши мумкин. Аммо шуни унутмаслиги керакки, Аллоҳ таоло бандарининг барча қилмишларидан, кўзлар кўрмай қолган ва қалблар сезмай қолган сирлардан ҳам воқифдир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан марфуъан ривоят қилинади: «Аллоҳ таоло деди: (ҳаром қилинган) назар Иблиснинг заҳарли ўқларидан биридир. Ким Мендан қўрқиб уни тарқ қилса, уни шундай бир иймонга алмашиб қўяманки, унинг ҳаловатини қалбida ҳис қиласди» (Тобароний, Ҳоким ривояти).

Абу Умома розияллоҳу анхудан марфуъан ривоят қилинади: «Қай бир мусулмон (бегона) аёлнинг авратига назар қилиб, сўнгра Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиан ҳолда ундан кўзини олиб қочса, Аллоҳ унга шундай ибодат берадики, унинг лаззатини қалбida ҳис қиласди» (Аҳмад, Байҳақий ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан марфуъан ривоят қилинади: «Қиёмат куни (Аллоҳнинг азобидан қўрқиб) ҳар бир кўз ёш тўқади. Фақат уч кишининг кўзлари мустасно: 1) Аллоҳ қарашни ҳаром қилган нарсалардан тийилган кўз; 2) Аллоҳ йўлида тунларни бедор қилган кўз (Масалан мусулмонлар хавфсизлигини таминлаш мақсадида ухламаган кўзлар); 3) Аллоҳдан қўрқиб, пашшанинг бошича бўлса-да ўзидан ёш чиқарган кўз» (Исфаҳоний ривояти).

Жарир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «У киши айтди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламдан беихтиёр, тўсатдан содир бўлган назар хақида сўрадим. У зот жавоб бердилар: «Кўзингни олиб қоч, давом этма» (Муслим ривояти).

Бурайда розияллоҳу анхудан марфуъан ривоят қилинади: «Ҳой Али, биринчи назарга иккинчисини эргаштирма. Чунки биринчиси сен учун (яъни, беихти-

ёр бўлгани учун унга жавобгар эмассан), иккинчиси эса сени зиёнинггадир» (Абу Довуд, Термизий ривояти).

Оят ва ҳадислардан кўриниб турибдики, инсон кўз неъматидан фойдаланишида маълум чегарани билиши керак. Қачонки чегарадан чиқаркан, унга шайтон камонидан заҳарли ўқ отилади. Бу ўқ унинг жасадини жароҳатламаса-да, лекин қиёматда ўз таъсирини кўрсатади. Ярим-яланғоч, на шаръий ва на миллий урф одатларни писанд қилмайдиган беҳаёлар ҳар қадамда учраши мумкин. Аммо улар орасида ўзига хос жасорат билан кўзни олиб қочишига ҳам улкан мукофотлар борлигини унутмаслигимиз лозим.

Андижон шаҳридаги “Уйғур” масжида имомлик қилган марҳум Файз Аҳмад домланинг бир одатлари бўларкан. У киши масжидга келар соғда йўлда аёлларга дуч келсалар, дарҳол чакмонларининг этаги билан юзларини тўсиб ўтиб кетар эканлар. Домланинг бу одати катта дарс бўлиб, у кишининг имомлик вақтида кўчада ўтирувчи аёллар сезиларли даражада камайганини кексалар ҳозиргача хотирлашади.

Ўзганинг авратига тикилиш шариатимизда ҳаром қилинган. Лекин фуқаҳолар маълум истисноларни баён қилган бўлиб, бундай ҳолатларда уларнинг авратига қараш мубоҳ саналади:

1) инсоннинг ўз авратига қарashi. Кишининг ўз авратига кўзи тушса ёки ихтиёрий қараса, бунинг гуноҳи йўқ.

2) қаралаётган шахс, у хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, шаҳват ёшида бўлмаса. Фақиҳ Абу Лайс «шаҳват ёши тўқиз ёш» деб фатво берган бўлсалар-да, лекин бу тили чиқмаган, яъни гапира олмайдиган даражада ёш бўлиши билан белгиланган. Ҳошияда айтилишича, «тили чиқиб гапира оладиган ёшдаги болаларнинг авратига тикилиш ҳаром бўлади»

3) саҳиҳ никоҳ билан уйланган аёли. Фосид никоҳ билан бўлса унга ҳам назар қилиш ҳаром. Масалан, бирорнинг никоҳидаги аёлга уйланиб олган кишининг шу аёлнинг авратига қарashi ҳаром ҳисобланади.

4) ўз чўрисининг авратига қараш ҳаром эмас. Бироқ чўриларнинг ҳаммасида ҳам назар ҳалол қилинган эмас. Мусоҳара (қудачилик) йўли билан маҳрам бўлган чўрилар мустасно. Масалан, она-бода чўриси бўлсаю, қизини хотин қилган бўлса, онасининг авратига қарashi ҳаром ҳисобланади. Чунки у қайнона ҳисобидадир. Шунингдек, ўз чўрисини ўзгага никоҳлаб берган бўлса, бу чўри ҳам хожасидан маълум масофада туради. “Ҳурмати ғализа”, яъни чўрисига уйланиб, сўнгра уни икки талоқ қилган бўлса, унинг ҳам авратига қарashi мумкин эмас. Ёки чўри мушрика бўлса, унинг ҳам авратига қараш тақиқланади. Икки кишининг ўртасидаги шериклик чўрилар ҳам ўз хожаларидан авратларини олиб қочишлиари лозим.

Шу тўрт тоифадан бошқаларнинг авратига узрсиз назар қилиш мутлақ ҳаром, дейилган. Хоҳ у шаҳвоний назар, ё аксинча бўлсин, бари бирдек ҳаромдир. Аммо узрли бўлса, жоиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ (бегонанинг авратига) назар қилувчини ва (ўз авратини бошқаларга кўз-кўзлаб) томоша қилдирувчини лаънатлади» (Байҳақий ривояти).

Яланғоч авратга назар (қараш) ҳаром бўлганидек, юпқа ва тор кийим кийгандарнинг кийими устидан назар қилиш ҳам ҳаромдир. Чунки тор ва юпқа кийим бадан ва қоматни ошкора қилиб туриши сабабли яланғоч ҳукмид бўлади.

Ўзгалар назаридан яширилиши шарт бўлган аврат жойларга кўйидагилар киради:

а) эркак кишининг аврати киндик остидан тизза остигачадир. Демак, эркак кишининг киндиги остидан тиззасининг остигача бўлган жойларига қараш эрка-кларга ҳам, бегона аёлларга ҳам мутлақ ҳаромдир.

б) шунингдек икки аёл ҳам бир-бирларининг киндиги остидан тиззасининг остигача бўлган аъзолари-га асло қарай олмайдилар. Чунки икки аёл орасидаги аврат ҳудди икки эркак орасидаги аврат каби олинади.

в) эркак ва бегона аёл орасидаги аврат: агар қаровчи эркак бўлиб томоша қилинувчи ҳур аёл бўлса, унинг юзи ва кафтларидан бошқа барча аъзолари авратдир. Юзи ва кафти аврат бўлмаса-да, унга ҳожатсиз қараш макруҳдир.

г) агар назар қилинаётган аёл ўз маҳрами, ма-салан, опа ё синглиси бўлса, бу ҳолатда у билан ав-рат чегараси, қорин ва бел қисми қўшимча қилинган ҳолда ҳудди икки эркак аврати каби олинади. Яъни, кишига ўз опаси ё синглисининг боши, бўйни, кўкраги, қўлтиғи, болдири, оёқларига «шаҳвати уйғониб ке-тишидан омонда бўлиш шарти» билан назар қилиши жоздир.

Авратга қарашни мубоҳ қилувчи шаръий узрлар ўнтадир:

1) бирор кишининг зиёнига гувоҳлик қилиш ниятида. Масалан, зино қилувчиларнинг шахсини билиб олиш учун шаръян уларнинг авратига қараш мубоҳ.

2) маҳкамада гувоҳлик бериш вақтида гувоҳга мубоҳдир.

3) қозига ҳам ҳукм чиқариш вақтида маҳкумлар ав-ратига зарурат юзасидан қараш мубоҳдир.

4) фарзанд туғиш вақтида доялар она бўлмишнинг авратига қарashi мубоҳдир.

5) келин бўлмишнинг бокиралигини аниқлаш зарура-ти туғилган вақтда текширувчи аёлнинг келиннинг авратига қарashi мубоҳдир.

6) айбини рад қилган вақтда. Масалан, келин бўлмиш қиз баданида айби бор эканини рад қилди. Унинг айби бор-йўқлигини аниқлаш ниятида унинг авратига назар қилиш мубоҳдир.

7) хатна қилиш вақтида.

8) беморни даволаш жараённида. Шунингдек ихтиқон, яъни клизма қилиш учун авратга қараш мубоҳдир.

9) уйланиш ниятида. Яъни кишининг текшириб олиш учун ўзи уйланмоқчи бўлган аёлнинг авратига назар қилиши мубоҳ. Текшириб бўлганидан сўнг, никоҳ қилингунга қадар «Биз унаштирилганмиз»

деган баҳона билан шаҳвоний сұхбатлар қуриши ҳаромдир.

10) сотиб олиш ниятида. Яъни бирор жорияни сотиб олмоқчи бўлган харидор уни авратларигача текшириб олиши мубоҳ саналади.

Аёлларга шаҳват билан қараш тақиқлангани каби ёш йигитчаларга ҳам суқланиб қараш ҳаромдир. Шаҳватсиз бўлса, зарари йўқ. (Татархония)

Шайх Ибн Обидин «Роддул муҳтор»да шундай ёзади: «Мултақит»да айтилдики: «Ёш йигит агар чиройли бўлса, унинг ҳукми аёллар ҳукми кабидир. Унинг бошидан то оёғига қадар авратadir. Саййид Абу Қосим айтади: яъни унга шаҳват билан назар қилиш ҳаром бўлади. Аммо у билан ёлғиз қолиш ва унга шаҳватсиз боқишининг зарари йўқдир. Шунинг учун ҳам у ниқоб тақишига буюрилмаган. Мен айтаманки: (Ибн Обидин) бу ҳукм кўкраклари кўриниб қолган, (балоғатга етмаган) ёш қизларга ҳам шомилдир. Балки баъзи фосиқлар ёш йигитчадан кўра ёш қизчаларни ҳуш кўришади» ("Роддул муҳтор", Китобус солат. 80-бет).

Мұхаммад Ҳодимий роҳимаҳуллоҳ «Барика»да келтиришича, ҳар бир аёл билан иккى шайтон бўлади. Ёш йигитчалар билан эса ўн саккизта шайтон бирга бўлади. Ҳатто ёш йигитча талаби илм қилишни истаса, унинг ота-онаси фитна хавфи туфайли фарзандини бундан тўсишига рухсат берилади. Имоми Аъзам – Абу Ҳанифа ўз талабаси Мұхаммад ибн Ҳасанни таълим жараёнинда орқа тарафга ўтқазиб қўяр эдилар. Чунки Мұхаммад ибн Ҳасан ёш, ҳушсуврат йигит бўлиб, Абу Ҳанифа унга назар кетиб қолишидан кўрқар эдилар.

Суфёни Саврий деди: "Бу уммат ичидаги тоифа лутийлар (баччабозлар) бор. Биринчи тоифа шаҳват билан назар қилувчилар. Иккинчи тоифа мусофаҳа жараёнинда кўллардан ушлаб ҳузур қилувчилар. Учинчи тоифа ливота қилувчилар".

«Нисобул иҳтисоб»да келтирилади: "Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ҳовлисининг олдида ўтирган эдилар. Кўча бошидан келаётган ёш ҳушсуврат йигитчага кўзлари тушиб қолди. Уни кўргач, дарҳол ҳовлисига кириб кетди. Унинг кетганини айтганларидан кейингина ҳовлидан чиқиб келдилар. У кишидан сўралди: "Эй Абдуллоҳ, бу ишни ўз фикрингиз билан қилдингизми ёки бу ҳақда Расулуллоҳдан бир нима эшитганмисиз?" Абдуллоҳ ибн Умар жавоб бердилар: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитгандим. У зот айтардилар: «Уларга (шаҳвоний) қараш ҳаромдир. Улар билан (шаҳвоний) гаплашиш ҳаромдир. Улар билан (шаҳвоний) бирга ўтириш ҳаромдир».

Исмоил ибн Касир роҳимаҳуллоҳ Нур сурасининг ўттизинчи ояти тафсирида шундай ёзади: «Салаф уламолардан аксари ёш йигитчаларга суқланиб қарашдан қайтаришларини айтишарди. Айниқса сўфий

имомлардан кўпчилиги қаттиқ туришган. Аҳли илмлардан бир тоифа уни ҳаром, дейишган. Чунки унда фитналаниш бор»

Эр-хотинлар бир-бирларининг авратларига қарашлари мумкин. Шундай бўлса-да одоб шуки, аврати ғализаларига қарамасин. Фуқаҳоларнинг айтишича, жинсий муносабат вақтида қип-яланғоч бўлиб олиш танзиҳан макруҳdir.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтидилар: «Бирортангиз ахлига (жимо ниятида) келса (авратини) беркитсан. Агар беркитмаса, фаришталар ҳаё қилиб чиқиб кетадилар-да, у шайтон билан қолади. Агар ораларида фарзанд вужудга келса, унда шайтоннинг ҳам насибаси бўлади» (Тобароний, Баззор Абу Ҳурайрадан ривоят қилишган). Бошқа бир ривоятда «Эшакка ўхшаб қип-яланғоч бўлмасинлар», дейилган. Жаноби Расулуллоҳнинг қип-яланғоч бўлиб олишни эшакка ўхшатишларидан бу ҳолатнинг яхши эмаслиги маълум бўлади.

Оиша онамиз айтган эдилар: «Расулуллоҳнинг авратларини мен ҳам кўрган эмасман, менинг авратимни у зот ҳам кўрган эмаслар»

«Татархония»да айтилишича, эрнинг ўз аёли ва жориясининг бошидан то қадамигача бўлган аъзоларига қарashi жоиз. Лекин афзали бир-бирларининг авратларига қарамасликларидир.

Назар ҳукмларида ёш болаларга суқланиб назар солиши, аёлнинг аёлга қараши, эркакнинг эркак авратларига тикилишининг шаръан ман этилгани, албатта беҳикмат эмасдир. Бугунги кунда бутун инсониятни ташвишга солаётган, баъзи ғарбликларнинг таъбири билан айтганда «демократия»дан ҳисобланмиш баччавозлиқ, бесоқолбозлиқ, лесбийлик, сафизм, вазионизм, зоофилия, педофелия каби зино турларидан иборат бузуқликлардан инсониятни факат Исломгина қутқариб қолиши мумкин. Айни мавзудаги ҳукмларни яхши билган чин мусулмон юқорида санаб ўтилган ахлоқсизликлардан қаттиқ ҳазар қиласи, улардан ҳамиша четланади.

**Ботирали АЛИШЕР ўғли,
Андижон шаҳридаги
“Ўйғур” жомеъ масжиди имоми ноиби.**

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ХУКМЛАРИ



6-ДАРС

- 1) Намознинг кўриниши
- 2) Намознинг фарзлари, унинг шартлари ва руқнлари
- 3) Намознинг шартлари
- 4) Намознинг руқнлари.

Намознинг кайфияти

Намоз ўқимоқчи бўлган кишининг кийими, бадани ва намоз ўқийдиган ўрни нажосатлардан пок бўлиши лозим. Шу билан бирга, катта ва кичик таҳоратсизликдан, яъни жунублик ва бетаҳоратликдан ҳам пок, авратлари эса ёпиқ ҳолатда бўлиши керак. Агар намоз вақти кирса аzon айтилади, сўнг фарздан олдинги суннат намозлари ўқилиб, кейин фарзга турилади. Қиблага юзланган ҳолда ўқимоқчи бўлган намозга ният қилинади.

Биринчи ракатга «Аллоҳу акбар», деб қўл қулоқ баробарига кўтарилиган ҳолда киришилади. Бармоқларнинг оралари эса бир оз очик, кафтнинг ичи қиблага қараган бўлади. Сўнгра ўнг қўл билан чап қўлининг бўғинидан ушлаб, иккиси киндиқ остига туширилади ва қиём ҳолда сажда қилинадиган ўринга қараб туриб, махфий ушбу Сано дуосини ўқилади:

«Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғойрук» (Муслим ривояти).

Маъноси: «Аллоҳим, Сенга ҳамд айтиш билан Сени айбу нуқсонлардан поклайман. Сенинг исминг муборақдир. Азаматинг олийдир. Сендан бошқа илоҳ йўқдир».

Кейин:

«Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм, Бисмиллаҳир роҳманир роҳим», деб сўнг ошкор қилиб ўқиладиган намозларнинг аввалги икки ракатида Фотиха сураси жаҳрий ўқиласи. Имомга иқтидо қилган киши Санони айтгандан сўнг «Аъзу...», «Бисмиллаҳ...»ни ва Фотихани ўқимайди. Имом Фотихани ўқиб бўлгач, махфий қилиб «Омин», дейди, иқтидо қилганлар ҳам «Омин»ни махфий айтишади. Фотихадан сўнг камида уч оят миқдорида Қуръони каримдан тиловат қилинади. Жаҳрий ўқиладиган намозларда буни ҳам ошкор қилиб ўқиади. Жаҳрий намозлар қўйидагилар:

1. Бомодод;
2. Шомминг аввалги икки раками;
3. Хуфтоннинг аввалги икки раками;
4. Жума;
5. Икки ҳайит намозлари;
6. Рамазондаги витр ва таровеҳ намозлари.

Сўнг «Аллоҳу акбар», деб рукуъ қиласи. Икки кафти билан тиззасининг кўзини ушлаб, боши билан белини бир текис қиласи ва хотиржам ҳолда уч марта:

«Субҳана Роббиял Ҷазийм» («Улуғ Роббимни поклаб ёд этаман»), дейди. Рукуъ ҳолида икки қадамининг устига қараб туради. Сўнг белини кўтариб,

«Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» («Унга ҳамд айтган кишини Аллоҳ эшитди»), дея тик туради. Тик тургач эса,

«Роббана ва лакал ҳамд» («Эй Роббимиз, ҳамд факат Сен учундир»), дейди. Ёлғиз намоз ўқувчи киши иккисини ҳам айтади. Имом эса аввалгиси билан кифояланса, иқтидо қилувчи кейингисининг ўзини айтади. Рукуъдан қайтиб, оз фурсат хотиржам ҳолда тик турилади. Кейин такбир айтиб саждага боради. Ерга аввал тиззалар, кейин кафтлар, сўнг бурун, охири пешона қўйилади. Тирсакларни ерга ва икки биқинига теккизмасдан, имкон борича ҳар бир аъзони, хусусан оёқ бармоқларини қиблага юзлантириб, хотиржам ҳолда

«Субҳана Роббиял Аъла» («Олий Роббимни поклаб ёд этаман»), деб уч марта айтади. Кейин такбир айтиб, саждадан бош кўтаради ва чап оёқни тўшаб, ўнг оёқнинг кафтини тик қилиб, бармоқларни қиблага юзлантирган ҳолда ўтиради. Икки қўй кафтларининг учи тизза баробарида бўлади. Ундан осилиб тушиб кетмайди ва тиззага етмай ҳам қолмайди. Шу ўтирган ҳолда хотиржамлик билан

«Роббиғфирлий варҳамний» («Роббим, мени кечиргин ва менга раҳм қилгин»), дейди. Сўнг иккичи сажда ҳам аввалгисидек қилинади. Кейин бош «Аллоҳу акбар» билан кўтарилади. Ўтирмай, ҳеч нарсага суюнмай, иккинчи ракатни ўқиш учун ўриндан турилади.

Иккинчи ракатда яна «Бисмиллаҳ...»ни, сураи Фотиҳа, кейин Қуръондан билганича камида қисқа оятлардан уч оят ёки узун оятлардан бир оят ўқилади. Кейин биринчи ракатдаги каби рукуъ ва саждалар қилинади. Иккинчи саждани қилиб бўлгач, чап оёқ қадамини тўшаб, унинг устига ўтирилади, ўнг оёқ қадамининг бармоқлари қиблага юзланган ҳолда тик қилинади. Назар эса қучоғида бўлади. Ушбу ҳолда ташаҳҳуд дуосини ўқийди. У қўйидагичадир:

«Аттахийяту лиллаҳи вас солавату ват тойибат, ассаламу ъалайка айюҳан набийу ва роҳматуллоҳи ва барокатух. Ассаламу ъалайна ва ъала ъибадиллаҳис солихийн. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан Ҳабдуҳу ва росулуҳу».

Маъноси: «Саломлар, дуолар ва яхшиликларнинг барчаси Аллоҳ учундир. Эй Набий, сизга салом ва Аллоҳнинг раҳмати-ю баракоти бўлсин. Бизларга ва Аллоҳнинг солих бандаларига ҳам салом бўлсин. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб гувоҳлик бераман. Ва яна Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва расули, деб гувоҳлик бераман».

Ташаҳҳудда «ла илаҳа»га келганда ўнг қўлнинг

ишора бармоғи кўтарилади, «иллаллоҳ»га келганда бармоқ туширилади.

Агар намоз бомдод каби икки ракатли бўлса, ташаҳҳуддан кейин саловоту Иброҳимия ўқилади. У эса қўйидагичадир:

«Аллоҳумма солли ъала Муҳаммадив ва ъала али Муҳаммад, кама соллайта ъала Иброҳима ва ъала али Иброҳим, иннака ҳамидум мажид. Аллоҳумма ба-рик ъала Муҳаммадив ва ъала али Муҳаммад, кама барокта ъала Иброҳима ва ъала али Иброҳим, иннака ҳамидум мажид» .

Маъноси: «Аллоҳим, Иброҳимни ва у зотнинг оиласларига салавот юборганинг каби Муҳаммадни ва у зотнинг оиласларига ҳам салавот юбор. Албатта, Сен мақтовли, улуғ Зотсан. Аллоҳим, Иброҳимни ва у зотнинг оиласларини баракотли қилганингдек, Муҳаммадни ва у зотнинг оиласларини ҳам баракотли қил. Албатта, Сен мақтовли, улуғ Зотсан».

Сўнгра асарда келган дуолардан бирини ўқийди:

«Аллоҳумма инний аъзу бика мин ъазоби жаҳаннама ва мин ъазобил қобри ва мин фитнатил маҳия вал мамоти ва мин шарри фитнатил масиҳид дажжол».

Маъноси: «Аллоҳим, жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан, масиҳи дажжолнинг фитнаси ёмонлигидан Сенинг паноҳингга қочаман». Сўнгра ўнг елкага юзланиб

«Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ», деб салом беради. Кейин чап томонга ҳам худди шу каби салом бериш билан намоздан фориғ бўлади.

Аммо намоз шом каби уч ракатли бўлса, ташаҳҳуд дуоси якунланиб, такбир айтган ҳолда учинчи ракатни ўқиш учун туради.

Учинчи ракатда ҳам «Бисмиллаҳ...» айтиб, сўнг Фотиҳанинг ўзини ўқийди. Кейин юқоридагидек рукуъ ва сажда қилади. Сўнгра қаъда охирда ўтириб, ташаҳҳуд, саловоти Иброҳимия ва дуоларни ўқийдида, салом бериб намозни якунлайди.

Агар намоз пешин, аср ва хуфтоннинг фарзлари каби тўрт ракатли бўлса, учинчи ракатнинг иккинчи саждасидан сўнг тўртинчи ракатга туради.

Тўртинчи ракатда ҳам «Бисмиллаҳ...»ни айтиб, кейин Фотиҳа сурасини ўқийди. Сўнг рукуъ ва сажда қилиб, охирги қаъдага ўтиради. Ташаҳҳуд ва саловоти Иброҳимия ҳамда маъсур дуо ўқилгач, салом бериш билан намозни якунлайди.

Намознинг фарзлари, унинг шартлари ва руқнлари

Юқорида баён қилганимиздек, намоз маҳсус кўринишда адо қилинадиган сўзлар ва феъллардан иборат экан. Мана шу намоздаги сўзлар ва амалларнинг барчасини қилиш ёки қилмаслиқдаги ҳукм бир хил эмас. Буларда шундай сўзлар ва феъллар борки, уни бажармай туриб намоз дуруст бўлмайди.

Улар “намознинг фарзлари” дейилади. Яна шундай амаллар ва сўзлар борки, уларни бажаришнинг ҳукми фарз бўлмаса-да, лекин вожиб ҳисобланади. Булар “намознинг вожиблари” дейилади. Яна намозда шундай феъллар ва сўзлар борки, уларсиз намоз дуруст бўлса-да, лекин уларни бажариш суннат ҳисобланади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу амалларни аксар вақтларда бажариб, фақат баъзида қилмаганлар. Булар “намознинг суннатлари” дейилади.

Намозга киришдан олдинги фарзлар “шартлар” дейилса, намоз ичидағи фарзлар эса “рукнлар” дейилади.

Намознинг шартлари

Намознинг ташқарисидаги шартлари олтиладир:

1. Катта ёки кичик таҳоратсизлиқдан пок бўлиш; жунуб ёки бетаҳорат кишининг намози дуруст бўлмайди.

2. Бадан, кийим ва жойнинг нажосатдан пок бўлиши; бир томони нажосат, бошқа томони пок бўлган гилам ёки кўрпачаларда ўқилган намоз дуруст бўлади.

(Изоҳ: агар тўннинг астари қўшиб тикилмаган, яъни тўн билан астар ўртаси ажраган бўлса, шу тўннинг бир томонига нажосат теккани билан нажосат тегмаган томонида намоз ўқиш жоиз бўлади. Аммо тўнга астар қўшиб қавилган бўлиб, унинг бир томонига нажосат тегса, энди унинг ҳар икки томонида ҳам намоз ўқиш дуруст бўлмайди. Агар кийимдаги нажосатни ювадиган нарсанинг йўқлиги сабабли имкони бўлмаса, шу кийими билан намозини ўқийди. Ҳатто кийимининг тўртдан уч қисмiga нажосат етган бўлса ҳам, яланғоч намоз ўқимайди, бундан-да кўпроқ қисмида нажосат бўлса ҳам, яланғоч ўқигандан кўра, шу кийим билан ўқиган афзал ҳисобланади. Кейинчалик имконият топилиб кийимини тозалагач, ўша намозини қайтариб ўқимайди).

3. Аврат (уют жойлар)нинг берк бўлиши. “Аврат” деб ор қилинадиган нарсага айтилади. Бундай номланишига сабаб, шу ўринларнинг очилиб қолиши соғлом табиатли кишилар учун ор ҳисобланишиданadir. Кўзнинг назарини ҳам бу жойга туширмаслик лозим. Эркак кишининг киндик остидан тиззасигача бўлган оралиғи авратdir. Аёлларнинг юзлари, кафтлари ва қадамларидан бошқа барча аъзолари, ҳатто қулоқларининг ёнидан тушиб турадиган соchlари ҳам аврат ҳисобланади. Намоз ўқувчи аёл авратларини қалинроқ кийим билан беркитиши шартdir. Агар кийим баданинг ранги яққол билинадиган даражада нафис бўлса, у билан намоз ўқиш жоиз эмас.

Намозда авратнинг беркитилиши талаб қилинганидек, намоздан ташқарида ҳам уют ўринларни ёпиб юриш лозимdir. Бугунги кунда кўпчилик ажнабий коғирларга тақлид қилиб спорт,

сузиш номлари билан авратларини очиб юрибдилар. Бу иш инсонларга Аллоҳ таолонинг азобини мустаҳиқ қилиб қўядиган ҳаром амалларданadir. Умумий ҳаммомларда кишилар яланғоч ҳолда бемалол чўмилишади. Бу ҳам тўхтатилиши лозим бўлган ҳаром ишларданadir. Аёл кишининг аёл кишига нисбатан аврати эркак кишининг эркак кишига нисбатан аврати кабидир. Яъни, муслима аёлнинг бошқа бир муслима аёлдан киндиги остидан тиззасининг остигача бўлган оралиқни беркитиши шарт бўлади. Ҳатто шу ўринларни ўзининг онаси ёки қизи ёхуд опа-синглисинг олдида ҳам очиб юриши ҳаромdir. Кўчалардаги ҳамма инсонларнинг кўз ўнгидаги очик юришини ҳали бир чеккага қўйиб туринг! Шулар каби кўр-кўронга тақлид умматни буғунгидек пасткашлика олиб келди.

Бадандаги авратларга қараш ҳаром бўлганидек, аёл кишининг кесилган сочи, эркакнинг хатна қилинган аъзосига қараш ва тикилиш ҳам ҳаромdir.

(Изоҳ: аврат аъзонинг тўртдан бири узрсиз очилиб қолиши намозни ман этади. Агар аъзо намоз ичida очилиб кетса, дархол уни беркитиб, намозини давом эттиради. Сон бир бутун аъзо, тўпик ҳам алоҳида аъзо, думба ҳам алоҳида аъзо, закарнинг ўзи ёлғиз аъзо, икки тухумча ҳам бир аъзо, аёл кишининг сочи ҳам алоҳида бир аъзо ҳисобланади).

4. Қиблага юзланиш. “Қибла” деб Каъбаи Музазама томонга айтилади. Қиблага юзланиб намоз ўқимоҳи бўлса-ю, орқа томонидан душман ёки йиртқич ҳайвоннинг хавфи бўлса, ундан бу шарт соқит бўлади.

(Изоҳ: шунингдек, касал киши ҳам қодир бўлган томонига юзланиб намозни адо қилади. Қиблани тошидан ожиз қолган киши бир томонни қибла, деб қасд қилади. “Қасд қилиш” деганда кишининг теваррак-атрофдаги омиллардан фойдаланиб қиблани излашига айтилади. Мисол учун, дараҳтларнинг баргига, қуёш чиқиб-ботишига қараб чамалайди. Хуллас, ҳар маконнинг ўзига яраша қиблани аниқлаш омиллари бўлади. Шулардан фойдаланиб, имкон қадар қиблани қидиради ва ғолиб бўлган гумони билан қибла шу томонда, деб қасд қилади. Агар қасд қилган томони қибла бўлмаса ҳам, шу томон қибла, деб қасд қилгани сабабли намози дуруст бўлиб, уни қайтариб ўқимайди. Аммо бир томонни қибла, деб қасд қилмай намоз ўқиса-ю, ваҳоланки, юзланган томони қибла бўлса ҳам намози дуруст бўлмай уни қайтариб ўқийди. Чунки қибланинг қай томонда эканини билмаган киши учун бир томонни қибла деб қасд қилиш шартdir).

5. Намоз вақтининг кириши. Вақти кирмай туриб ўқилган намоз фарз ўрнига ўтмайди. Намозни вақти киргандан то чиқиб кетгунга қадар адо қилиш керак. Агар вақт таҳорат қилиш ва фарз намозни эдо

этиш миқдорича қолган бўлса, мана шу топ фурсатда фақат намозга ҳаракат қилиш вожиб бўлади, бошқа амаллар билан машғул бўлиш ҳаром ҳисобланади. Намозни ўз вақтидан шаръий узрсиз ўтказиб юбориш ҳам ҳаромдир. Шаръий узрларга ухлаб қолиш, эсдан чиқаришлар киради.

6. Ният қилиш. Ниятнинг ўрни қалбdir. Агар ўқилаётган намоз фарз ёки вожиб бўлса, ўша намозни тайин қилиб ният этиш матлубдир. Бугуннинг пешини ёки аспи ва ё витр, ийд намозлари деб ният қилади. Аммо нафл намозларда хоҳ улар суннати муаккада бўлсин, хоҳ бошқа бўлсин, уларнинг номини тайин қилиш шарт эмас, балки мутлақ намоз, деб ният қилса кифоядир. Лекин буларда ҳам «Таровеҳ намозини ният қилдим» ёки «Пешиннинг суннатини ният қилдим», деб тайин қилса, маъқулроқ ва эҳтиётироқ бўлади.

Имом ўзининг имоматлигига ният қилиши суннатдир. Лекин аёлларга имом бўлаётганини тайин қилиши лозим. Имом эса намоздаги такбири таҳримани айтиши билан ўзининг аёлларга имоматлигини тайин қилган бўлади. Аммо имомга иқтидо қиладиганлар «Мана шу имомга иқтидо қилдим», деб ният қилишлари шартдир. Агар имомга иқтидени ниятида қасд қилмаса, намози дуруст бўлмайди. Ким юқоридаги олти шартнинг бирини тарқ қилса ёки ўрнига кўйиб бажармаса, намози ботил бўлиб, уни қайтадан ўқиши вожиб бўлади.

Намознинг рукнлари

Намознинг рукнлари, яъни ичидаги фарзлари ҳам олтитадир:

1. Ҳаром қилувчи такбир. «Ҳаром қилувчи такбир» дейилишига сабаб, уни айтиб намозга кириши билан кишига намоздан ташқарида қилиб юрган, намозга тааллуқли бўлмаган амаллар ҳаром бўлгани учундир. Такбирни «Аллоҳу акбар» лафзи билан айтиш вожибдир.

2. Қиём туриш. Қиём фарз намозларида қироат қилиниши лозим бўлган муддатда туришдир.

(Изоҳ: нафл намозларда қиём туриш фарз эмас, балки қиёмга қодир бўлатуриб ўтириб ўқиса ҳам, намоз дуруст бўлади. Лекин фарз намозларида қиём туришга қодир бўлса-ю, ўтириб ўқиса, намози намоз ҳисобига ўтмайди. Ҳатто ҳассасига ёки деворга суюниб бўлса ҳам, қироат миқдорича тик туриши лозим. Тик туришга умуман имконияти йўқ кишидангина қиём соқит бўлади).

3. Қироат қилиш. Қуръони каримдан қисқа оятлардан камида уч оят ўқиш ёки узун оятлардан бир оят миқдорича қироат қилиш фарздир. Фарз намозларининг аввалги икки ракатида, витр ва нафл намозларнинг ҳар бир ракатида қироат лозимдир.

(Изоҳ: намоз ўқувчи учун Қуръони каримдан ҳеч бўлмаганда уч оят қисқа ёки бир узун оят миқдорида тажвидга мувофиқ ўзлаштириб ёдлаши фарздир).

Имомга иқтидо қилувчи қироат қилмайди, балки



жаҳрий намозларда қулоқ солиб, махфийларида жим туради. Чунки имом тайин қилишдан мақсад, жамоатнинг намозини адо қилиб бериши учундир. Имомга эргашувчининг имом орқасидан хоҳ Фотихани, хоҳ бошқа сурани бўлсин, қироат қилиши макрухи таҳримийдир.

4. Рукуъ қилиш. «Рукуъ» бошни эгишдир. Рукуънинг комил бўлиши икки қўлнинг тирсакларини буқмай тиззани ушлаб, бош билан белни бир текисда эгишда ҳосил бўлади. Бу ҳолат қиём туришга қодир кишилар учундир. Аммо ўтириб ўқувчиларнинг рукуълари бошларини тиззаларига теккунга қадар эгиш билан бўлади.

5. Сажда қилиш. Ҳар бир ракатда икки бор сажда қилиш фарз ҳисобланади. Саккиз аъзонинг ерга тегиб туриши «сажда» дейилади. Булар пешона, бурун, икки кафт, икки тизза, икки оёқ қадамининг учлари. Пешона ва буруннинг биргаликда ерга тегиб туриши вожибдир. Саждага борища қайси аъзо ерга яқин бўлса, ўша аввал кўйилади.

(Изоҳ: мисол учун аввал икки тизза, кейин икки қўл, сўнгра бурун ва пешона ерга қўйилади. Саждадан туришда эса бунинг акси бўлиб, қайси аъзо ерга узоқроқ бўлса, ўша дастлаб кўтарилади. Яъни, аввал пешона, сўнгра бурун, кейин қўллар ва охирни тиззалар. Саждага қилинганда оёқлар ердан узилса, намозга нуқсон етади, яъни бузилади).

Саждага пешона қарор топадиган ўринга қилиш билан дуруст бўлади. Пешона ботиб кетадиган пахта ёки буғдой хирмонида сажда қилиш дуруст эмас.

6. Охирги қаъдада ташаххуд миқдорича ўтириш.

Мана шу рукнлардан қай бири тарқ бўлса ёки бузилса, намоз ботил бўлиб, уни қайтадан ўқиши фарз бўлади.

Аброр Мухтор Алий тайёрлаган.

ТУРКИЙЛАР ИНҚИРОЗИНИНГ АСЛ САБАЛЛАРИ

Бугун сизлар ҳавои нафслар илмга тобеъ замонда яшяяпсиз. Ҳали шундай замонлар келадики, унда илм ҳавои нафсларга тобеъ бўлади.

Абдуллоҳ ибн МАСЪУД

A. ХАТИБЗОДА:

Бундан бир неча юз йиллар илгари Туркистонга келиб, бадавий бир ҳолда яшаган ҳалқларни маданий бир ҳолга келтириб, улуф-буюк аллома Тафтазоний, Бухорий, Форобий, Ҳожа Аҳрор Валий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Навоий ва шулар каби қанча доҳий, олим-уламолар, зўр ҳакимларни етиширган, инсонларнинг, моликларнинг ақлини шошириб, ҳайратда қолдирадиган тоғ каби бино-равоқлар, катта-катта масжид-мадрасаларни ясатган, неча минглаб талабаларни ўқитган Ислом дини, Ислом маданияти хозирги асримизда мазлум, маъзун, эътибордан соқит бўлиб ётмоқда. Сабаби эса сўнгги ҷоқлардаги илмсиз, маърифатсиз хонлар элнинг чироғи-йўлбошчиси бўлган уламоларни ўз бўйинтуруғлари остига олиб, соғ йўлни ўз шайтанат йўлларига татбиқ этдилар. Бечора уламолар тор кўзлари, кичкина миқёсда топган тарбиялари асосида жоҳил, хоин хонларнинг бўйинтуруғлари остига кириб, айтганича ишламакка мажбур бўлдилар.

(«Ҳақиқат» журнали, 1922 йил, 1-сон)

АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙ:

Нима учун кейинги асрларда Туркистон ҳалқи жоҳилият ботқогиға ботди? Бунинг бош сабаби – динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини “дин ҳомийлари” деб эълон қилиб, ҳалқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йирок тутдилар. Чет давлатлар билан алоқа боғламадилар, ўқиши-ўқитиши ишларига ҳеч қандай аҳамият бермадилар. Шунинг учун Туркистон ҳалқининг ичидаги үйғониш, фикр очилиш бўлмади. Давлатнинг инқиrozи, миллатнинг онгизлигига шу жоҳиллар сабабичидур.

(«Ватан аҳлларига деганларим» мақоласидан, «Ўзбегим», Т, 1992)

ИСМОИЛБЕЙ ФАСПИРАЛИ:

Биз, туркийлар ўз тарихи тонгидәёқ ёзувига эга бўлган, кейин ҳам уни илм ва тафаккурдаги улкан муваффақиятлар билан безаган қабила сифатида яшаб келдик ва шундай яшажаякмиз. Агар биз муйян тарихий шароитлар туфайли бошқа ҳалқлардан орқада қолган эканмиз, бу ҳали миллӣ-маданий инкишоф ҳуқуқидан маҳрум этмайди, аксинча, у томон янада каттароқ ғайрат билан интилишга мажбур этади.

(«Туркчилик» мақоласидан, «Таржумон», 1907 йил, 38-сон)

РИЗОУДДИН ИБН ФАХРИДДИН:

«Султон Маҳмуд аскарларга янги қоида ишлаб чиқишга ва замонга мувофиқ кийинишга, бошқа давлатларга ўхшаб ҳарбий таълим беришга киришган вақтда Истанбул уламолари бу ислоҳотга дин номидан қарши туришди... Лекин Султон Маҳмуд динни яхши билганидан ва ҳар бир салла ўраган «олим»нинг ҳайбаракалласига учиб кетавермаганидан ўз сўзининг устидан чиқди, «амри маъруф» ва «наҳий мункар»

учун йиғилган Истанбул кўчаларидағи мутаассибларга замбаракнинг оғзини тўғрилаб қўйди... Ўзларини дин йўлида қурбон қилишга ҷоғланган зотлар энг аввал жуфтакни ростлаб қолишиди.

Бу кунларда Бухоро шаҳрининг уламолари янги усул билан болаларга «алифбо» ўқитишни ман қилдилар, шундай мактабларни дин номидан бекитдилар. Кўкраклари, сонлари очик ўрис қизларнинг театрларда, сиркларда ўйнашларини мақтаб, таҳсинлар айтиб, сўлакларини оқизишиб томоша қилиб ўтиришда, Ислом вакъфларини сотиб еб, рибо билан муомала қилишда ўзлари учун динда монеълик топмаган бу «муборак» зотлар болаларга енгиллик билан ўқиши-ёзишини ўргатадиган бу мактабларнинг очилишида қандай монеълик топишиди экан!»

(«Жавомеъул калим», Тошкент, «Мовароуннахр», 2004, 95-бет)

ИСХОҚОН ИБРАТ:

«Ҳар бир давр-замонда янги-янги нарсалар пайдо бўлади, қашф этилади. Мусулмонлар уларни дин ва замона тарозисида тортиб қабул этишлари, кераклисидан ўз манфатлари йўлида бемалол фойдаланишлари керак... Аммо айрим нодон ва жоҳил кимсалар, мутаассиб дин ходимлари ана шу қулайликларни Аллоҳ бандалари учун яратиб қўйганини инкор этиб, уларни ҳаром ёки макруҳ деб эълон қиласидар ва мусулмонлар орасига низо солиб, уларни тафриқага (бўлунишга) олиб борадилар... Ўрта Осиёда пайдо бўлган поезд, пароход, машина, тилгироф каби одамлар учун зарур ва фойдалари нарсаларни Аллоҳ таоло бандаларига ато этиб турсаю, бизлар жоҳиллигимизга бориб бу неъматлардан фойдаланишдан бош тортиб турсак, яхши бўладими?.. Мусулмонлар замонни ўзларига мослаштиришни кутиб ўтирамай, ўзлари ўша замоннинг фойдали илмларига мослашсалар, яхши бўлмасмикин!»

(«Мезон уз-замон» асаридан, Наманган, Матбааи «Исҳоқия», 1912 йил, 36-бет)

ЮСУФ ҚАРОЗОВИЙ:


«Ҳамма нарсани тақиқлашни яхши кўрадиган ва жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш керак бўлган «ҳаром» сўзини сунистеъмол қилувчи дин олимлари ҳақида шуни айтиш лозимки, бундай кишилар «ҳаром» сўзини кўпинча мутлақо сабабсиз тилга олишади. Улар наздида телевидение, кино, фотография, аксионерлик жамиятлари, хуллас, ҳамма нарса ҳаром. Умуман, уларнинг бутун ҳаётни ҳаром устига ҳаромдан иборат. Ахир Қуръони карим шундай буюради: «Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди» (Бақара сураси, 185-оят). Мусулмон арбоблари ҳамиша замон билан баравар қадам ташлашлари керак».

(Интернетнинг «qarozoviy.com» сайти)

БЕШИГИДА БҮҒИЛГАН МУХТОРИЯТ

1917 йил декабрь ойида бутун Туркистан Үлкәси бүйлаб сиёсий кампания авж олди. Ҳамма жойлардаги йиғилишларда Мухторият Муваққат ҳукуматини ҳимоя қилишга қаратылган қарорлар қабул қилинди. Чунончы, 1917 йил 6 декабрь куни Тошкентнинг Эски Шаҳар қисмидаги Бекларбеки мадрасасида митинг бўлди. Митингда сўзга чиққанлар – М. Абдурашидхонов, муфтий Мулла Одил, Шерали Лапин, Сайд Фанихон, Пирмуҳаммад Аълам ва бошқалар, ҳаммаси бўлиб ўн беш киши большевиклар йўлини қораладилар ва Мухторият ҳукуматини ҳимоя қилишга чақирилдилар. Митинг қатнашчилари 13 декабрь куни, яъни Пайғамбар Мұхаммад алайҳиссалом туғилган кунлари намойиш қилишга қарор қилдилар. Намойиш арафасида Тошкентдаги Мухториятни қўллаб-қувватловчи оврўпалик кишилар группаси Қўқонга – Мухторият ҳукумати номига телеграмма юбориб, унда мухториятчиларни ҳимоя қилиш учун намойишда қатнашиш истакларини билдирганлар» («Улуғ Туркистан», 1917 йил 14 декабрь).

Бўлажак воқеалардан хабардор бўлган Шўролар ҳокимиятнамойишга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилди. Шўроларнинг шаҳар кенгashi бу чиқишини “мусулмонлар оммасининг фитначи аксилинқилобий ҳаракати” деб ҳисоблаб, 13 декабрга белгиланган бу намойишнинг йўлини тўсиш учун ҳарбий қисмларни ишга солди. Тошкент Ўрдасидаги ҳарбий қисмлар Янги шаҳар билан Эски шаҳарга ўтадиган асосий йўлларни тўсиб қўйди. Шунга қарамасдан ҳаракат давом этди. Айниқса, Янги шаҳарда олон-мөннинг тўпланиши мутлақо тақиқланган эди. Турли кўчалардан бўлса-да, йўл топиб айланиб келган мусулмонлар Шайх Хованд Тоҳур масжиди томон юриб келиб йиғилди. Соат ўн иккиларга боргайда кўп минг кишилик намойишчилар тўпландилар. Йиғилганлар орасида Халқ Комиссарлари Советининг аъзолари, ҳукмрон партия (большевиклар) раҳбарлари ва бошқа сиёсий ҳаракат ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам бор эди. Туркистанга Мухторият берилишини талаб қилиб қилувчи шиорлар ёзилган транспарантлар кўтарган гурух, асосан оврупаликларни ташкил эт-



ган уч мингга яқин намойишчи Эски Шаҳарга қараб юрди. Шу вақтда ҳарбийлар билан тўқнашув содири бўлган. Тўқнашув натижасида эски шаҳарлик 16 киши ҳалок бўлган. Бўлиб ўтган воқеа хусусида марказга – Петроградга хабар берилган. Тошкент Ишчи ва аскар депутатлар Совети 13 декабрда Тошкентда ҳарбий ҳолат эълон қилди («Туркестанские ведомости», 15 декабря 1917 г.). Шўролар ҳукумати раҳбари Ф. Колесов марказий ҳукуматга мурожаат қилиб, ундан йўл-йўриқ сўраганида И. Сталиндан шундай мазмунда жавоб олинган: «Сиз жойларда ўзингиз ҳукуматсиз, йўл-йўриқларни ўзингиз ишлаб чиқишингиз керак».

1917 йил 26 декабрда Мусулмон Ишчи ва аскар депутатларининг фавқулодда 1-қурултойи чакирилди. Унда бир неча масалалар кўрилиб, улар орасида Мухторият масаласи алоҳида ўрин тутди.

Курултойда Мухторият масаласида Ленин билан музокара юритиш учун делегация юбориш масаласида тортишувлар бўлди. Ба ниҳоят, қурултой Ленинга телеграмма юборишга қарор килди. Телеграммада шундай дейилган: «Туркистон 1-Фавқулодда Мусулмон Ишчи ва аскар депутатлари съездидаги қабул қилинган резолюцияни йўллаб, Сиздан Русия демократик жумхурияти олий ҳокимиюти сифатида Туркистон Халқ Комиссарлар Кенгашига ўлка ҳокимиютини Туркистон Вақтли Мухторият ҳукуматига топшириш учун фармойиш беришингизни сўраймиз. Бу, Туркистонни улкан ҳалокатга келтириши мумкин бўлган бебошлиқ, иккиси ҳокимиютичиликнинг олдини олиш учун зарур».

Курултойда миллионларнинг манфаатини ифода этувчи вакиллар мухторият масаласида яқдил (эдилар). Бироқ Тошкент Қизил ҳукуматининг вакили, большевик П. Полторацкий нутқ сўзлаб, Мухториятга қарши бемаъни гапларни айтди. Ана шундан кейин курултой қўйидаги қарорни қабул қилди: «1. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгashi барча аҳоли, айниқса мусулмонлар хоҳиш-истакларининг ифодачиси эмас. 2. Туркистон ўлкаси халқларининг иродаси съездда Мухторият эълон килинганида ифодаланган. 3. Туркистонда ягона ҳукумат органи умумий мусулмонлар қурултойида ва уни тўлдиран Мусулмон Мухторияти ҳукумати ва Халқ Кенгashi (парламенти) топширсан деб истак билдириди. Чунки, ушбу қурултой Мухтор Туркистондаги барча демократик қатламлардан ташкил топиб, бутун пролетариат ўй-фикрларининг ифодачисидир». Шундан кейин П. Полторацкий бошчилигидаги большевистик вакиллар ва унинг тарафдорлари қурултой залини ташлаб чиқиб кетдилар.

Туркистон Мухториятини Бутунrossия Мусулмонлари Кенгashi ва унинг Ижроия қўмитаси ҳам қўллаб-қувватлади. Туркистондаги тараққий парвар зиёлилар, оддий меҳнат аҳли ва хориждаги барча мусулмонлар Туркистон Мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлашди ва ҳатто ўз сармоялари ҳисобидан ёрдам уюштириши. Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Фитрат шундай деб ёзган эди: «Туркликтин қонини қайнатгувчи, имонини юксаклатгувчи бир суюнчи сўз туғилди. 27 ноябринг кечасинда миллий лайлалтулқадримиз бўлган Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Эллик йилдан бери эзилдик. Таҳқир этилдик. Кўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурилди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остига олинди. Тузумли турдук, сабр этдук – кучга таянган ҳар буйруқقا бўйсиндук, бутун борлиғимизни

қўлдан бердук. Ёлғиз бир фикрни бермадук, яшинтурдик, имонларимизни ўраб сақладук, бу фикр – Туркистон Мухторияти эди».

Узоқ асрлар мобайнида ўзаро феодал урушлар ва тарқоқлик, мустамлакачилик сиёсати ва зулми шароитида яшаган, ана шу зулмлар туфайли ҳалқи хонавайрон бўлган ўлкада Мухторият давлатининг ташкил топиши бутун мусулмонлар оламида қизғи кутиб олинди. Бу ҳақда ўша вақтларда чоп этилган рўзномалар, ойномалар, тўплам ва рисолалар, архив ҳужжатлари, турли йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ва бошқа маълумотлар гувоҳлик беради. Айниқса, ўзбек шоирлари бу тарихий воеа муносабати билан кўплаб шеърлар ёздилар, Масалан, биринчи бўлиб Ҳидоятуллоҳ Алиев «Туркистонга» ва «Мухторият шодлиги» деган оташин шеърлари билан ўзбек ҳалқи номидан Мухториятга муносабат билдириди. Ҳамза эса «Туркистон Мухториятини» деган шеър ёзиб, уни «Улуғ Туркистон» рўзномасида (1918 йил 11 январь) эълон қилди (Изоҳ: мазкур шеърнинг тўлиқ матни Ш. Турдиев томонидан «Фан ва турмуш» журналиниң 1990 йилги 10-сонида эълон қилинган).

Яна ушбу журналнинг шу сонида Фитратнинг «Мухторият» деган публицистик мақоласи, М. Чўқаевнинг хати ва бошқа материаллар илк бор шўроларнинг рўзнома ва ойномаларининг саҳифаларида эълон қилинган. Чўлпон ўзининг «Аллоҳу акбар» ва «Озод турк байрами» шеърларини Мухторият ҳукуматининг ташкил топишига бағишилади.

Туркистон Мухториятининг мадҳиясини (гимни) ёзиш учун шоирларга мурожаат қилинган. Эндиғина йигирма ёшга тўлган Абдулҳамид Чўлпон томонидан ёзилган «Озод турк байрами» деган шеър мадҳия сифатида танлаб олинган (Изоҳ: ўша шеърнинг тўлиқ матни биринчи марта «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтномасининг 1991 йил 20 сентябрь сонида Ж. Каримов томонидан эълон қилинган). Шеърнинг асл нусхасини эса Қўқон ўлкашунослик музейи ходими А. Мадаминов топиб берган).

Ўз даврининг талантли шоири Ҳамид Олимжоннинг «Ҳарбий коммунизм даврида ўзбек буржуазия поэзияси» деган мақоласида ёзилишича, мазкур шеър «Эл байроби» рўзномасининг 1917 йил 13-сонида босилган. Ўша вақтларда бу шеър кўп минг нусхада Қўқондаги И. И. Вайнер типолитографиясида варақа тарзида босиб чиқарилган ва деярли барча мактабларда, кўчаларда ва йиғинларда қўшиқ қилиб айтилган. Ана шу мадҳия матнидан парчалар келтирамиз:

Кўз очинг, боқинг ҳар ён,
Қардошлар, қандай замон!
Шодикка тўлди жаҳон,
Фидо бу кунларга жон!

Нақорот:

Туркистонли – шонимиз, туронли – унвонимиз,
Ватан – бизим жонимиз, фидо ўлсин қонимиз!
Бизлар темир жонлимиз, шавкатлимиз, шонлимиз,
Номусли виждонлимиз, қайнаган турк қонимиз!

Мухторият олинди,
Ишлар йўлга солинди.
Миллий маршлар чолинди,
Душман ўртансин энди!
Нақорот ва ҳоказо.

Мухторият ҳукуматининг эълон қилиниши халқ оммаси томонидан қизғин кутиб олингани ва қўллаб-қувватланиши Тошкент Шўролар ҳукуматига ёқмади. Болшевиклар партияси ва Шўролар ҳукумати Мухториятга қарши ташвиқот, тухматдан иборат сиёсий кампанияни бошлаб юборди.

Чунончи, 1918 йил 18 январда Тошкентда Фарфона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидағи ўзбек пролетар ташкилотларининг иккинчи қурултойи чақирилди. Қурултой қатнашчилари Мухторият ҳукуматига норозилик билдирилар, Ишчи ва дехқон депутатлари Советлари билан Мусулмон Советларини бирлаштириш керак, бунинг учун маҳсус Қурултой чақиришни зарур деб ҳисобладилар. Бундай мисоллар бир нечта.

Туркистон Мухторияти ҳукуматини М. Тинишбоев атиги бир ҳафтагина бошқарди, холос. Ҳозирча бизга маълум ва аниқ бўлмаган сабабларга кўра, у истеъфога чиққан. Унинг ўрнига ҳукумат раиси этиб Мустафо Чўқаев тайинланган.

Мухторият ҳукумати ўзининг эълон қилинган кунидан бошлаб актив сиёсий фаолият кўрсата бошлаган. Биринчи навбатда Мусулмон сиёсий ташкилотлари ва уларнинг органлари тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириб юбордилар. «Улуф Туркистон», «Эл байроби», «Свободный Туркестан» каби ўнлаб рўзномалар Туркистон Мухторияти томонида туриб иш кўрдилар. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, бу вақтларда Тошкент ва бошқа шаҳарларда маърифатпарвар ва тараққийпарвар миллий ўшларнинг бир неча гурухлари ва уюшмалари тузилган эди. Масалан, Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида тузилган ва маркази Хадрада жойлашган «Изчилар тўдаси» деб аталган гурухга машҳур жамоат ва партия арбоби Акмал Икромов ҳам аъзо бўлиб кирган эди. (Қаранг: Қ. Ҳасанов. Акмал Икромов. Тошкент, «Ўзбекистон», 1972, 7-бет). Мухториятнинг ўзи ҳам рўзномалар ташкил этди ва улар ўзбек, рус, қозоқ тилларида чиқиб турди.

Мухторият ҳукумати уезд комиссарлари ва бошқа мансабдор шахсларга фармойишлар, телеграммалар ва турли кўрсатмалар юбориб, уларни бажаришга маж-

бур этишга ҳаракат қилди. Масалан, 1918 йил 11 январда Каттақўргон Ишчи, аскар ва дехқон Советлари Мухториятни тан олмай, унинг ҳеч бир кўрсатмасини бажармаслигини эълон қилган эди.

Мухторият ҳукумати шошилинч суратда 30 миллион сўмлик заём чиқарди. Ундан кўзланган мақсад ҳукуматни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва миллий армия тузиш эди. Ҳукумат тадбирига кўра биринчи навбатда армия тузишга киришилди. «Кўқон мухторияти» китобининг муаллифи П. Алексеенковнинг ёзишича, дастлабки кунлардаёт ҳукумат ихтиёрида 60 ёлланма аскар тўплланган (44-бет). «Ҳуррият» рўзномасининг ёзишича эса, Мухторият ихтиёрида қисқа вақт ичидаги икки минг кишидан ортиқ ҳам ихтиёрий, ҳам ёлланма аскар бўлган (1918 йил 8 март).

Четдан чақирилган ҳарбий кишилар асосан инструкторлик ишларини олиб боргандар. Мухторият ҳукумати ёрдам сўраб хорижий мамлакатларга мурожаат қилди ва улардан ҳам моддий, ҳам ҳарбий ёрдамлар оди. Шу боисдан бўлса керақ, 1918 йил январида Тошкентдаги Жомеъ масжидида бўлган митингда Шукурхон ҳазратлари: «мухториятчилар ёлғиз эмаслар. Уларни Англия ҳимоя қилаётir», деб бежиз айтмаган («Кокандское эхо». 18 январи 1918 г.). Дарҳақиқат, Мухториятни унинг илтимосига биноан Англия, Россия, Франция, Германия, Туркия ва бошқалар қўллаб-қувватлаган эдилар.

Мухторият ҳукумати ўзининг қисқа умри давомида бир қатор иқтисодий тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Халқ милицияси тузилди, армия ташкил этилди, заём чиқариди, пул ислоҳоти ўтказишга киришилди. Мухторият ўз байроби ва мадҳиясига эга бўлди.

Мустафо Чўқаев ўз эсадаликларида ёзганидек, «Биз Русиядан айрилишни талаб этмадик. Фақат Мухторият эълон қилдик... Натижа эса ҳаммага маълум...» Демак, мухториятчилар Русия таркибида Мухторият бўлиши учун курашган эканлар, деган хулоса келиб чиқади. Ёки Маҳмудхўжа Беҳбудий таъкидлаганидек: «Биз еризини ва мол-мulkимизни бўлиб олмоқчи бўлганларга жон-жаҳдимиз билан қарши чиқамиз. Ҳақиқатда эса, ер, мол-мulk ва динни сақлаб қолиш учун Мухторият туздик» (А. Бабаходжаев. Провал английской агрессивной политики в Средней Азии (1917-1920 г.г.), Ташкент, 1955, стр. 42).

Тошкент ва Москва ҳукуматлари Туркистон Мухторияти ҳукуматига нисбатан мутлақо душманлик муносабатида бўлдилар. Унга қарши ўта шовинистик сиёсатни қўлладилар. Д. Манжара ёзганидек: «Кўпгина русларнинг, ҳатто раҳбар ўртоқларнинг калласидан улуф давлат шовинизми руҳи мустаҳкам ўрин олган эди». Дарҳақиқат ҳам шундай бўлди. Туркистон Мухторияти ҳукуматини агдариб ташлаш учун ҳамма чоралар кўрилди.

**Йўлчи ҚОСИМОВ,
тарих фанлари номзоди.
(Давоми бор)**



РУЛДАГИ АЁЛЛАР

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Наманган шаҳрида бор-йўғи икки нафар аёл ҳайдовчи бор эди. Бироқ такси ҳайдар, иккинчиси эса ихчамгина юқ машинасини бошқарар эди. Бу ҳол шаҳарда ажабтовур воқеа ("эксзотика") бўлгани учун уларни кўрган эркак ҳайдовчилар сигналларини "папап"латиб, "саломлашиб" ўтишарди.

Хозирги пайтга келиб, аёлларнинг автомобил ҳайдаси деярли урфга айланиб бўлди. Соҳа билим-донларининг ҳисобига кўра, хозир биргина Тошкент шаҳрида 55.000 дан ортиқ аёл ҳайдовчи бор экан. Бу

пойтахт аҳолисининг салкам олти фоизига teng келади. Бигизпошна туфли тасвири туширилган машиналарни бошқараётган ҳайдовчиларнинг асосий қисми ўрта ёшли аёллар, қолган етти-саккиз фоизи эса ёш қизлар экан.

Хўш, аёлларнинг машина рулига ўтиришига ким қандай муносабатда бўлмоқда? Бу ҳақдаги савол билан бир неча кишига мурожаат қилдик.

Дилбархон Ҳошимова – тадбиркор, 39 ёш:

– Биласизми, аёллар эркаклар билан барча масалаларда teng ҳуқуқли бўлгач, уларни машина

хайдашдан нима түсиши мүмкін? Масалан, үзімни олайлик. Йүлга анча тушиб қолған бизнесим бор, шундай бүлгач, күнимнің күп қисми күчада ўтади. Олдинің машинализни хұжайнім ҳайдардилар. Мени машинаға ўтқазиб олиб ҳали у фирмага, ҳали бу банкка чопавериш жонларига тегди шекилли, бир куни "Менға қара, үзинг ҳайдовчиликка ўқий қолмайсанми?" деб қолдилар. Үзім ҳам қызықиб юргандым, жон деб рози бўлдим. Мана олти йилки, машина ҳайдайман. Бошда қийин бўлди, бир неча марта янги машинани уриб олдим. Ҳозир ўрганиб кетганды. Аммо шунчак ташвиш ичидә яна машина ҳайдаш одамга оғир келаркан. Күчада баъзан айрим эркаклар аёлларга нописанд муносабатда бўлиб, жаҳлимизни чиқариб қўйишларини ҳисобга олмаса, барибир рулда үзинг бўлишишнинг күп афзал томонлари бор.

Қурбонали Мамиталиев – такси ҳайдовчиси, 52 ёш:

– Майли, аёллар ҳавас қилған бўлса, ҳайдайверсин, ҳеч қанақа қаршилигим йўқ. Фақат бир нарсани ҳисобга олиш керак. Аёллар табиатан ўта эҳтиёткор бўлгани учун машина ҳайдашда ҳам шу феъли билан эркак ҳайдовчиларнинг жигига тегишаётти. Масалан, йўлчироқнинг сарифи липиллай бошладими, шартта тўхтаб олишади. Орқадаги ҳайдовчи ўтиб кетишини мўлжаллаб келаётгани учун ё қийиллатиб тормоз босишга, ё аёлнинг машинасини "чўқиб қўйиш"га мажбур бўлади. Олдинда кетаётган машина одатдан ташқари, ғайритабиий "манёвр"лар қила бошладими, демак, унинг рулида албатта аёл киши ўтирган бўлади.

Икром Алиқулов, ЙХХХ ходими, 34 ёш:

– Ҳамма аёл ҳайдовчиларни эркакларга қараганда анча интизомли, дейди, аммо мен бу фикрға қўшилмайман. Кўпгина аёллар ўзларининг машина ҳайдашларини қандайдир имтиёз деб тушуниб, истаганча қоидани бузишади. Кўп ҳолларда уларни тўхтатсак, кўрмаганга олиб кетиshawеради. Тўғри, биз эркаклар улар билан тортишиб ўтирамаймиз, қочиб қолишиша, ортларидан ҳам қувмаймиз. Аммо аёллар бундан талтаймай, қоидага риоя қилишлари керак, чунки қонун олдида ҳамма баробар! Шахсан үзім айларнинг машина ҳайдашларини ёқтирмайман. Чунки аёллар йўлда анча эътиборсиз ҳаракат қилишади, атрофидагилар билан унча ҳисоблашишмайди. Руҳшунослар тажрибасига кўра, аёл ҳайдовчилар аварияга олиб келувчи ҳолатларда эркакларга ўхшаб уни бартараф этиш ҳақида ўйлаш ўрнига шартта кўзларини юмб олиб, ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб қўйишар экан...

Умид Ботиров, ЙХХХ ходими, 29 ёш:

– Назаримда, эркакларга қараганда аёллар машина ҳайдашда анча тартибли бўлишади. Ҳаётда қоида бузувчи аёлларни кам учратдим. Уларнинг битта кам-

чилиги бор: машинани бироз қўрқиб ҳайдашади. Светофорда ҳам то яшили ёнмагунча кутиб туришади. Эркаклар эса сариқ чироқ ёнар-ёнмас газни босиша-ди. Бирор сабаб билан аёл ҳайдовчини тўхтатсангиз, дарҳол тўхтайди, ғижиллашиб асабингни бузмайди. Улар билан муомала қилиш, иш битириш осонроқ. Менга қолса, аёл ҳайдовчиларнинг кўпайгани яхши.

Мукаррама Болтаева, уй бекаси, 36 ёш:

– Үзім аёл бўлсан ҳам, аёлларимизнинг машина ҳайдашларига мутлақо қаршиман. Нега дейсизми? Айтайлик, унинг машинаси йўлда бузилиб қолди. Хўш, эркак-ку, уни бир амаллаб тузатади ёки уста топгун-ча машина ичидә ухлайверади. Бундай ҳолатларда аёл киши нима қиласи? Кўчада турайдими ёки бирор бегона эркакдан ёрдам сўрайдими? Ёки кечқурун қайтаётганида бир бегона эркак қўл кўтарди, дейлик. Унга раҳми келиб манзилига олиб бориб қўядими? Бордию ўша эркакнинг феъли бузук, нияти қабиҳ бўлса-чи? Мана шундай вазиятлардан келиб чиқиб аёлларнинг машина ҳайдашларига қўшила олмайман. Чунки улар нафсларининг сўзига кириб рулга ўтиришяпти, ҳар қанча машинаға эҳтиёжлари бўлса, эрлари ёки бир маҳрамлари бемалол буни қондира олади.

Аёлларнинг машина бошқаришларига муносабат ана шундай хилма-хил ва бири бирига ихтилоғли. Бундан бир неча йил олдин "Аёлларнинг машина ҳайдашларига қандай қарайсиз?" деган савол билан одамлар орасида сўров ўтказилганида респондентларнинг 33 фоизи "Мутлақо қаршиман", 22,2 фоизи – "Майлию, лекин аёллар йўлда хавф тудириши мүмкин", 15,6 фоизи – "Тўла маъқуллайман", 13,3 фоизи – "Аёллар энг одобли, тартибли ҳайдовчилар", 8,9 фоизи – "Бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман", 6,7 фоизи – "Менға барибири" деб жавоб қайтарган экан. Агар ушбу сўров бугун ўтказилса, саволлар салмоғи қайси тарафга қараб ўзгарапкин?

Хулласи, кимлардир учун аёлларнинг машина ҳайдашлари давр ва шароит тақозоси бўлса, бошқалар бунда аёлларнинг ўзгалардан қолмаслик учун кимўзарга қилаётган тантиқликларини кўряпти. Кимdir жамиятдаги бу янгиликни чин дилдан маъқулласа, кимdir бунга тиши-тироғи билан қарши чиқяпти. Нима бўлганда ҳам, бу нарса воқеъликка айланиб бўлди. Биз эса аёлларнинг машина ҳайдашларига динимиз қандай муносабатда экани билан таништириш ҳам мухимлигини инобатга олиб, бу ҳақдаги маълумотларни муҳтарам журналхонлар билан баҳам кўришни лозим топдик.

Аёл киши транспорт ҳайдаси мүмкинми? Аслида, улов миниш, жумладан, транспорт воситаларини ҳайдашнинг мубоҳлиги эркакларга ҳам, аёлларга ҳам баробар тааллуқлидир. Аммо ундан келадиган натижа ва таъсирлардан келиб чиқиб, уламоларимиз аёл ки-

шининг транспорт воситаларини бошқариши, хусусан машина ҳайдаши ҳақида түрлича фикр билдиришган ва улар бугунги кунгача ҳам ҳали бир тұхтамга келгандарича йўқ. Бунга уларнинг ҳар бирлари ўзлари яшаб турған мұхит ва шароитдан келиб чиқиб фатво берадётгандар ҳам сабаб бўлмокда.

Уламоларимизнинг аёл кишининг транспорт воситасини ҳайдаши ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва фатволарини биз машина миниш мисолида кўриб чиқар эканмиз, уларнинг муноқашаларидан уч хил хуоса келиб чиққанининг гувоҳи бўламиз: 1) жоиз, яъни мубоҳ; 2) ножоиз, яъни ҳаром; 3) иккисининг ўртаси, яъни макрух.

“Аёлларнинг машина ҳайдаши жоиз” дейдиганлар ўз сўзларига қуийдагича далил келтиришади: а) Қуръони Карим оятларидаги улов минишнинг мубоҳлигига далил бўлувчи оятлар умумийдир. Уларда ҳеч қандай қайд йўқ. Шу билан бирга, уларни қайдловчи бошқа оят ё мутавотир ҳадислар ҳам топилмайди; б) Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ва ундан кейинги пайтларда аёлларнинг улов мингандар ҳақида бир қанча далиллар мавжуд. Жумладан, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан равоят қилинган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қурайш аёллари тuya минган аёлларнинг энг яхсисидир», деганлар. Бугунги кундаги машиналар у вақтлардаги уловларга нисбатан анча ҳимояланган, тўсилган; в) бугунги кунда машинада юриш ҳаёт заруратига айланган. Ҳамма вақт ҳам хонадондаги машина аёлларнинг ўз ҳожатлари учун кўчага чиқмоқчи бўлғандарига хизматларига шай турмайди, эркаклари эса доим ҳам вақт топа олмайди. Баъзи вақтларда оиласда умуман бирорта ҳам эркак бўлмаслиги ҳам мумкин. Ана шундай вақтларда аёл киши бегона эркакнинг машинасига чиққанидан ёки жамоат транспортида эркак-аёл аралаш кетганидан кўра ўзи машина мингани яхши. Чунки, аёл бегона эркак билан машинада холи кетиши ёки ёнма-ён ўтириб кетиши дуруст эмас. Бунда турли фитналар келиб чиқиши эҳтимоли бор. Агар аёл ўз машинасида бўлса, бундай муаммо ва машақкатлардан қутулади. Бу эса шариат мақсадларига ҳамоҳангдир; г) Исломда аёлларнинг маконати баланд. Уларга маҳсус ҳоллардагина эркаклардан фарқли аҳкомлар жорий қилинган. Машина минишдан аёлларни қайтариш уларнинг шариат рухсат берган ҳақларини чеклашга олиб бориши мумкин; д) баъзи уламоларнинг аёлларга машина ҳайдашни ҳаром ё макрух дейишларига сабаб, машина минган аёлнинг кўпинча Ислом одобларига риоя қилмаётгани, Исломга мувофиқ кийинмаётгани ва бошқа ношаръий ҳатти-ҳаракатларга йўл қўяётгани учундир. Аммо аёл мазкур нарсаларни бартараф этиб, барча жойини тўсиб, шариатга мувофиқ кийинган, виқор ва иф-

фатини сақлаган ҳолда, ўйин-кулгу учун эмас, зарурий мақсадларда машина минса жоиздир; е) агар аёл кишининг машина миниши натижасида юзага келадиган заарар ва ёмон ҳолатлар билан унинг бегона кишининг машинасига ёки жамоат транспортига чиқишидаги заарар ва ёмон ҳолатлар солишитириса, бугунги кундаги кўпчилик мамлакатлардаги вазиятни инобатга олганда, ўзи машина мингандаги заарарлар шаръий ва ақлий ўлчовларга қўра енгил ва камроқ бўлиб чиқади. Шариатда эса «Иккита заарардан бирини танлашга тўғри келиб қолганда, зиёни камроғи ихтиёр қилинади». Бугунги кунда кўплаб мусулмон ўлкаларида, хусусан Ғарб мамлакатларида мана шунга фатво берилган.

Бунга қарши ўлароқ, аёлларнинг машина ҳайдашини ножоиз санаган уламолар ўз сўзларига қуийдагича далил келтирадилар:

1. Аёлларнинг машина минишини тақиқловчи асос Қуръон ёки ҳадисларда очиқ келмаган бўлсада, Исломнинг умумий мақсадлари, аҳкомлари ва баъзи фикҳий қоидалар асосида уни қайдловчи усулий қоидалар мавжуд. Биринчи қоида: «Фасод, бузғунчилик омилларини бартараф этиш, агар улар манфаатлар билан тенг бўлса ёки улардан катта бўлса, манфаатларни жалб қилишдан муқаддам кўйилади». Ушбу қоида уламолар ижмоъ қилган шаръий қоида бўлиб, Қуръон, ҳадис ва ақлий далиллар билан асослангандир. Аёлларнинг машина ҳайдашида айрим манфаатлар топилса-да, унинг орқасидан келадиган заарлар инкор қилиб бўлмайдиган даражада кўп.

Иккинчи қоида: «Зариъа»ларни тўсиш вожиб». «Зариъа» бу – ҳар бир зоҳири, ташки кўриниши мубоҳ бўлиб, оқибати ёмонликка, фасодга олиб борадиган нарсадир. Аёл кишининг машина ҳайдаши асли мубоҳ бўлса-да, бир қанча ёмон ҳолатларга олиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

2. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ва кейинги даврларда аёлларнинг уловга мингандар ҳақида келган ривоятларни ўрганилса, аксар ҳолатларда уловга минган киши аёл бўлса ҳам, уни бирорта эркак бошқариб борганини кўрамиз. Хусусан, аёллар кўпинча «ҳавдаж» деб аталган саватга ўхшаш, атрофи ўралган маҳсус ўриндиқларда тутага миндирилганлар.

3. Ислом аёлларнинг хизматларини эркакларга вожиб қилган. Улар ҳар қандай шароитда бу хизматга масъулдирлар. Агар ўзлари вақт топа олмаган тақдирда ҳам бирор маҳрами ё бошқа бир аёлни шерик қилиб, уларга қулайлик яратиб беришлари керак. Демак, аёлларнинг бу борадаги муаммоларини ҳал қилиш учун уларга машина миндириш эмас, балки эркаклардан уларнинг ҳақларига риоя қилишларини талаб қилиш ўринли.

4. Аёлларнинг бегона ҳайдовчи эркак билан машинада холи қолишларини бартараф этиш учун ҳам уларга машина миндириш шарт эмас. Ёнларида маҳрам эркак ё унинг ўрнини боса оладиган бирор аёл кишининг бўлиши муаммони ҳал қиласди. Зотан, «зарар – зарар билан қайтарилийди».

5. Биз аёлларни машина минмаслигини ёқлаш билан уларнинг ҳақларини чекламоқчи эмасмиз, аксинча, уларнинг эркаклар устидаги ҳақларини ҳимоя қилмоқчимиз. Исломда аёллар бошқа халқларнинг маликалари каби мақомга эга. Эркаклар уларнинг барча оғир ишларини ўз зиммаларига олади. Уларни онаси, опа-синглиси, жуфтни ҳалоли ва қизи сифатида ҳимоя қиласди, уларнинг хизматида қоим бўлади. Бинобарин, аёлларга машина миндириш уларни эҳтиром қилиш эмас, балки ана шундай улуғ мақомдан ҳайдовчилик мартабасига тушириш, ўз аравасини ўзи тортишга мажбур қилиш бўлади. Бугунги кунда Farb аёлларининг айрим вакиллари ушбу ҳақиқатни эътироф этишмоқда, муслималарга чин дилдан ҳавас қилишмоқда.

6. Ислом фитрат – соғ табиат дини. У ўзининг барча аҳкомларида айнан ушбу мақсадни эътиборда тутган. Хусусан, аёлнинг аёллигини, иффатини, аёллик қадрини ҳимоя этиш учун бор имкониятни ишга солган. Аёлларга хос ҳукмларнинг барчасида бу ҳақиқат ўз аксини топган. Машина миниш бугунги кунда айнан ушбу мақсадга таҳдид солмоқда. Машина ҳайдаган аёлларда латофат, ибо ва ҳаё сифатлари камайиб, унинг ўрнини дағаллик, чўрткесарлик, шаддодлик каби аёл фитратига зид сифатлар эгаллаб бормоқда. Аёлларнинг машина минишларида яна ўзларини эркакларга ўхшатишлари, эрларига нописандларча муносабатда бўлишларига олиб келадики, динимиз бу нарсани ҳам қоралайди.

7. Ислом иффат, ор-номусни муқаддас санайди. Унга дахл қиласидиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни тақиқлайди. Шунинг учун ҳам, аввалда айрим вақтларда бир аёлнинг номусини ҳимоя қилиг учун, керак бўлса, ҳукмдор бошчилигидаги мусулмон қўшини бошқа бир давлатга ҳарбий юриш қилган ҳолатлари ҳам бўлган.

ЮНЕСКО тадқиқот марказининг хабар беришича, аёллари машина ҳайдаган жамиятларда зино, номусга тажовуз, ноқонуний фарзанд қўриш, ажрасишиш каби ҳолатлар аёллари машина ҳайдамайдиган жамиятларга нисбатан анча ортиқ экан.

8. Охирги вақтда олиб борилган тадқиқотлар машина минишнинг аёллар соғлигига зарар эканини тасдиқламоқда. Британияда олиб борилган тадқиқотларга кўра, машина минадиган аёлларнинг 58 фоизи қирқ ёшга етмасдан вафот этаётгани, 60 фоизи турли шаклда руҳий касалликларга чалинаётгани аниқланган. Тадқиқот ўз хуносасида

«машина ҳайдаш аёл кишига лойик эмас, унга муносиб келмайди» деб эълон қилган. Ислом шариати ҳукмларни жорий қилишда «зарарни баратараф этиш ва фойдани жалб қилиш»ни мақсад қиласди.

9. Йўл-транспорт ҳодисалари бугунги кунда замонамизнинг энг фожиали муаммоларидан бирига айланниб бормоқда. Бундай ҳодисалар натижасида ҳар йили тақрибан 1,3 млн. одам ҳалок бўлади ва 20-50 млн. киши жароҳатланади. Аёлларнинг машина ҳайдаси уларнинг ана шундай ҳодисаларга кўпроқ дуч келишларига ва жиддийроқ талофат кўришларига олиб келади. Айниқса, агар йўл транспорт ҳодисасига аёл ҳайдовчи сабаб бўлган бўлса, қанчалар мashaққат ва ноқулайликлар келиб чиқишини ўзингиз тасаввур қиласверинг.

Аёлларнинг машина ҳайдашларининг бундан бошқа жуда кўп муаммо ва мashaққатлари бор. Баъзи уламолар аёлларнинг машина ҳайдашларини «жоиз» деган ва буни ҳаромга чиқарган ҳар икки томоннинг мулоҳазалари, ҳужжат-далилларини эътиборга олиб, аёлларнинг машина миниши макрух, деган хуносага келишган.

Хуносаси ўрнида бир мулоҳаза: аввалига қизиқиб машина минган аёллар кейинроқ бу ишнинг ўз табиатларига зидлигидан қийналиб, серташвиш ва ҳаловатсиз бўлаётганларини, бу нарса ўзларининг аёллик латофатларига дахл қилаётганини айтишмоқда. Қувайтдаги «Оилам» журналида чоп этилган журнал таҳрир ҳайъати раисаси Фанима Фаҳднинг мақоласида жумладан қуйидаги дил сўзлари берилган: «Кибор бўлиб кетдик... Орзуларимиз, интилишларимиз ҳам катталашиб кетди, тавсифдан юқори даражада илм-маърифатга эга бўлдик, тамоман эркак бўлиб қолдик: машина ҳайдаймиз, хорижга бир ўзимиз сафар қиласми, шим киямиз, банкда сармоямиз бор, бошқарув мансабларига ҳам етишдик. Сўнгра... эркак қандай бўлса, ўшандоқ қолди, аммо аёл эркакка айланди... Барча нарсага эришганимиздан сўнг, эрлар устидан қозонган ғалабамиз қалбларимизни музлатганидан кейин мен сизларга тўлиқ ишонч билан айтаманки, «Аёллик нақадар гўзал! Аёл нақадар гўзал! Эркак билан ҳимояланган аёлга эркак ўз қувватини ҳис қилдириб турди, уни бир ўзи сафар қилишидан ман қиласди, ундан ўз уйида ўтиришини талаб қиласди... Бу нақадар гўзал! Аёл ўз болаларини тарбия қилса, ўз мамлакатига эга бўлиб, уни кузатиб турса... Эркак эса кучли раҳбар бўлиб турса... Ҳа, мен тажрибалардан сўнг айтаманки: «Ҳаёт ва иш майдонидаги жадал ҳаракатларим асносида йўқотган аёллигимга қайтишни истайман!»

Аҳмад МУҲАММАД.

ЯШАШНИНГ ОСОН ЙЎЛИ

ЁКИ ҲАЁТ МАШАҚҖАТЛАРИНИ ЕНГИШ ОМИЛЛАРИ

ҲИКМАТУЛЛОҲ ОТАГА МАКТУБ

Ассалому алайкум, ҳурматли Ҳикматуллоҳ ота! Бу мактуб кимдан экан, деб ҳайрон ҳам бўлманг, таажжубга ҳам тушманг! Чунки биз бир-биримиз билан мутлақо таниш эмасмиз. Сиз бу улкан шаҳарнинг у бурчагида яшасангиз, мен бунисида тураман.

Сизга мактуб ёзишга мени мажбур қилган сабаблар кўп: энг аввало, менга Сизнинг тавсиянгиз, маслаҳатингиз, йўл-йўриғингиз жуда-жуда керак бўлиб қолди. Бу борада кўп кишиларга учрадим, уларнинг оғзини пойладим, аммо ҳеч ким мени қийнаётган саволларга маънилироқ жавоб бера олмади. Сизни яхши танийдиган бир неча киши ҳадеб номингизни тилга олаверганидан кейин охири мактубимни айнан Сизга юборишга журъят қилдим.

Гапнинг ростини айтадиган бўлсам, мен бу ҳаётда жуда қийналиб кетдим. Кимдан маслаҳат сўрашни, кимнинг олдига бош уриб боришни билолмай, қаттиқ тушкунликка тушиб қолганман. Узун тунларни кўпинча уйқусиз ўтказаман (туннинг бунчалар узоқ давом этишини энди англаб етдим). Бир-биридан телба, бир-биридан кўрқинчли хаёллар миямни ўраб-чирмаб олган. Баъзан “Бу ёруғ дунёга келиб нимани кўрдик, шу еб-ичиш, бир-биримизни алдаш, биримиз бошқамизнинг дилини оғритиш учунгина яшаб юрибмизми?” деб

ўйлаб ҳам қоламан. Бир-бирини шиддат билан қувиб ўтаётган кунларимизнинг бирор жилоси, салгина мазмуни, “йилт” этган қувончи қолмаганидан ҳафсалам пир бўлган. Ўзимни қаёққа уришни, дардларимни кимга тўкиб солишини билолмаяпман. Яашадан ҳам тўйиб кетганман. Ҳатто бир сафар “Бу дунёда шу аҳволда яшашнинг нима қизифи бор?” деган бир мудҳиш ўй миямга келдию, ўз жонимга қасд қилишни ҳам ўйладим. Аммо шу заҳоти бу ниятимдан қайтдим. Чунки раҳматли бувимнинг болалигимда “Ким ўз жонига қасд қилса, албатта дўзахга тушади” деб қўрқитганлари эсимга тушиб қолди.

Гапнинг очиғини айтадиган бўлсам, ота-онам “Худо йўқ” деб барадла айтишмаган бўлса-да, аммо жаннат-дўзах, охират, қиёмат, ўлгандан кейин тирилиш деган гапларга унча ишонишмасди. Шўро тузумининг таълимини олган бизлар ҳам уларнинг йўлидан борганимиз. Диндан узоқлашишда ҳатто улардан ҳам ўзиб кетганимиз. Чунки давр шунаقا эди, мактабда ҳам асосан дин-сизликка ўқитишган эди.

Бу орада ошкоралик, мустақиллик деган гаплар чиқди. Олдинги ишониб юрган нарсаларимиз бир кечада сароб каби ғойиб бўлди. Ҳамма нарса остин-устин... Кечагина даҳрийликка ўргатган устозларимиз

бұғун масжидға қатнай бошлашган... Кечагина динсизлиги билан мақтанған одамлар бүгүн одамларга имон-эътиқоддан вәвз айтаёттанды. Шаҳримизда беш-олти масжид бор эди, ҳозир ҳар маҳаллада биттадан бўлиб кетди. Одамлар намозхон бўлишиди, аммо ахлоқлари яхшилангани йўқ. Ҳар йили ҳажга боришаپти, аммо қайтиб келиб гуноҳ ишларини ташлашгани йўқ. Аёллар иффати, ҳаёси ҳақида тинмай гапирияпти, аммо ярим яланғочлар, фаҳшга кўл бўлганлар камайгани йўқ!

“Бозор, бозор” деганлари ҳам қизиқ нарса экан. Бозор иқтисоди баҳонасида кимгadir омад қўшалоқ келган бўлса, кимнингдир турмуши ниҳоятда оғирлашиб кетди. Бир томонда бойлар бойигандан бойиб, пулининг ҳидига уйқуси қочяпти. Бир томонда биз каби камбағаллар ҳаётининг кемтигини тўлдира олмай, рўзгорининг йиртиғини ямай олмай жони ҳалак... Назаримда, турмуш қанчалик қийинлашгани сари одамларнинг орзу-ҳаваслари шунчалик шаталоқ отиб боряпти. Яқингинада битта тўй қилиш учун беш-олти ойлик маошингни йиғиб ишлатсанг, амал-тақал қилиб бўлса-да, етарди. Ҳозир эса битта унаштириш маросимиға илгариги бешта тўйнинг пули етмаяпти. Олтинчидан ўқиётганимда битта кастим-шим, иккита кўйлагим бўлган эди. Ҳозир еттинчидаги қизимга ҳар ойда янги кўйлак ёки туфли олиб бермасам, ўртоқлари орасида ўксис қолармиш... Болалигимизда нонуштамиз нон ва бирор хил шириналардан ибора бўларди, ҳозир дастурхонга қаймоқ, пишлоқ, калбаса, шакар, пишириқ қўймасанг, болаларинг зарда қилиб, оч-наҳор мактабига кетворади. Оиласидагиларнинг тинмай ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондрай десам, ё чет мамлакатда ишлаб, мўмай пул топиб келишим керак ёки виждонимга хилоф равища ноқонуний ишларга қўл уришим керак бўлади.

Мана шу бедодликларни ўйлайвериб, ўйларимнинг тагига етолмайман. Шунақа пайтларда ичимда нималардир исён кўтаради. Бирдан ҳаётдаги ҳеч нарсанинг қизиги қолмайди, дунё кўзимга зулмат каби қоронғи бўлиб кетади. Узимни ҳар томонга урсам ҳам, ҳарчанд тасалли изласам ҳам, барибир кўнглим таскин топмайди. Ҳеч бир нарса ўртандан юрагимнинг тафтини босолмайди. Гоҳо шириндан-шакар фарзандларим ҳам, рўзгор дея аталмиш оғир юкни мен билан баравар тортаётган хотинимнинг садоқати ҳам кўзимга кўринмай кетади. Ноиложликтан, чорасизликдан “ўзимни ўлдирсан, баридан бирданига қутуламан” деган хаёллар мутлақо тинчлик бермай қўйди. Лекин ҳаёт мاشақатларидан ва ташвишларидан қанчалик безиган бўлмайин, бу дунё билан видолашибша ўзимда куч ҳам, ирова ҳам топа олмаяпман.

Ўзимни ўлдириш ҳақидаги даҳшатли ўй-хаёллардан қутулишга ҳарчанд тиришсам ҳам, сира буни уддалай олмаяпман. Чунки менинг ҳаёт ва ўлим ҳақидаги тушунчаларим анча чатоқ бўлса керак? Баъзан кўчага чиқаману атрофимда ишга ёки ўқишиб ё бирор юумуши билан шошиб, бир-бирини туртиб-суртиб кетаётган сон-саноқсиз одамларга ҳайрон бўлиб тикилиб

қоламан. Бор овоз билан уларга шундай деб ҳайқиргим келади: “Ҳой одамлар, қаёққа шошяпсизлар, ахир қанчалик елиб-югурманглар, ишиңгизни битириш учун қанчалик бир-бирингиздан ўзишга интилманглар, барабири бир куни ўлиб кетасизлар! Шу озгинагина умрда нимага керак бунақа шошиб-пишишлар, нега зарур бундай елиб-чопишлар?!“

Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: дунёга келиб етмиш-саксон йил умр кечирдинг, дейлик (ваҳоланки баъзилар айни қирчиллама ёшида, айримлар ҳатто болалигидеёк ўлиб кетаётганига ҳар куни ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз). Ана шу қисқагина ҳаётда нега бунча қийналишга, мashaққат чекишига, қўшним айтганидай, “ҳар куни бир ўлиб, ўн тирилиш”га маҳкуммиз?! Хўп, ҳаёт қийинчилкларига бир амаллаб чидаб, берилган умрни ҳам яшаб ўтдинг, дейлик. Кейин-чи, кейин нима бўлади? Ажалинг етиб, бир куни вафот этасан. Бир тўп одам йиғилиб, ўлигингни ювиб-кағанлаб, қабристонга қўйиб келади. Борингки, оила аъзоларинг, қавму қариндошларинг уч-тўрт кун йиғлаб-сиқтаб сени эслаб туришар? Кейин-чи, кейин нима бўлади? Бир неча йиллардан кейин ҳамма ўз ташвиши билан овора бўлиб кетади, сени бирор кимса эслаб ҳам қўймайди. Машҳур қишиларни, катта олим ва ёзувчиларни ўлганидан кейин гоҳо бир ёдга олиб қўйишади. Баъзилар қурған иморатлари, ёзган китоблари ёки қилган кашфиётлари билан одамлар хотирасида анча вақт қолиб кетади. Аммо мен каби оддий одамлар, қўлидан катта ишлар келмаган биздай ғарибларни ким эсга олади, ким қилган ишларимизни мақтаб гапиради?

Биз қабрда қурт-қумурсқага ем бўлиб ётарканмиз, бу ёқда ҳаёт ҳеч нарса бўлмагандай яна ўз йўлида кетаверади... Одамлар туғилади, куни етиб ўлади. Болалар улғайиб, мактабга чиқади, сўнг институтга боради. Илм олади ё касб-хунар ўрганади. Тўйлар қилишади, болачақа, шу билан бирга юракларида ҳам, чўнтақларида ҳам чақалар орттиришади. Болаларини уйлаб-жойлайман, баҳтли қиласман деб уринишаверади, уринишаверади... аммо сира бунинг охирига ета олишмайди. Бир куни эса “шилқ” этиб тушишадио азиз жонларини Эгасига топшириб юборишади. Қарабсанки, кечагина кўчани тўлдириб юрган, ҳеч кимга гап бермаган бир одам бирдан ғойиб бўлиби, шахар қабристонида қабрлар яна биттага кўпайибди!

Сен бу ёруғ дунёни ташлаб кетдинг, аммо бу ёқда ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ. Ҳамма яна кундалик ташвишлари, муаммолари, орзу-ҳаваслари билан овора бўлиб кетади. Сен эса энди йўқсан! Бу дунёнинг ишларига аралаш олмайсан. Йўқлик қаърида беному нишон кетгансан! Ҳаёт деганлари шуми? Сенинг бор умринг қисқагина баҳтли болалик (аммо ҳамманинг ҳам болалиги баҳтли ўтармикин?), бир чимдимгина беташвиш йигитлик, озгинагина навқиронлик, кейин эса ожизлик ва касалликларнинг ташвишларидан иборат кексалик...дан иборат холосми?

Мана, ўзимни олайлик. Отам етти ёшимда ўтиб кетдилар. Ишхоналарида қандайдир заҳарли дори-

дан хасталаниб қолиб, уч күн күрпа-тұшак қилиб ёт-дилару жонларини топширилдилар. Онамнинг алам-задалиқдан мени силтаб ташлашига қарамай, тобут орқасидан қабристонгача бўзлаб борганим ҳанузгача эсимда. Мени ва синглимни онам ёлғизқўлликда тарбия қилдилар. Қариндошларнинг “турмуш қилиш” ҳақидаги таклифларини кескин рад этиб, факат биз, фарзандларини ўйладилар. Онамнинг бизни боқиш учун қилган касбларини санаб охирига етолмайман: мактабда фаррош, новвойчилик, жияк-шолча тўқиши, одамларнинг кирини ювиш, энагалик, ҳатто қандайдир омборда қоровулчилек ҳам қилганлар... Ахир, маълумоти бўлмаган соддагина аёл булардан бошқа яна нима иш ҳам қиласди? Шу тариқа бизни ҳеч кимдан камитмай, ўкситмай катта қилдилар. Оғизларидағини менга ёки синглимга илинардилар. Ўзлари янги кийим олмасдилар, аммо ҳайит-байрамларда албатта бизни бош-оёқ кийинтирас әдилар.

Кейин минг мاشаққат билан мени уйлатдилар, синглимни турмушга узатдилар. Бу орада мен ишга кириб, сал рўзғорга қарашибадиган бўлдим. Аммо барига бир турмушнинг бор қийинчиликлари, кам-кўстлари онам бояқишининг зиммасида эди. Мен икки, синглим бир фарзандли бўлганида бу дунёдаги “вазифа”ларини сидқидил бажарган онам тўсатдан вафот этдилар. Икки етим бор аламимизни йифидан олиб мунғайиб қолавердик...

Ҳозир икки ўғлим, бир қизим мактабга боряпти. Улар улғайса, мен ҳам тўйларини қилиб жуфтлаб қўяман. Бир куни қариб-қартайиб ота-онам каби бу ёруғ дунёни индамай тарк этаман. Мендан кейин ҳам тонг отаверади, кун ботаверади, ҳаёт мана шундай физиллаб ўтиб бораверади. Турмуш ҳар куни лаззатли, тотли, мароқли ўтса эдики, бундан завқ-шавқ олиб, роҳатлансанг, яшаб турганингдан кўнглинг тўлса!

Аммо бундай атрофимга қарасам, бирорта ҳам ўзини ҳар томонлама тўла баҳтиёр санайдиган одамни кўрмаяпман. Худо бировини хусн-келбатдан, бошқасини мол-дунёдан, яна бирини фарзанддан, яна бирини омаддан қисган. Кимдир ҳаётда ўз ўрнини топломай сарсон, кимдир жисмидаги бир нуқсондан алам чекади. Кимдир рўзгорини бут қилолмай жони ҳалак, кимдир яқинларининг меҳр-оқибатига зор. Ҳатто икки-учтадан ҳовлиси, бир неча машинаси, катта фойда келтирувчи тижорати бўлган одамлар ҳам чин маънода баҳтили бўла олмас эканлар.

Иннайкейин, оқин сувдай физиллаб ўтиб кетаётган бу кунлар ҳам ҳамиша қувонч-хурсандчиликлардангина иборат бўлmas экан. Бир куни боланг кўчадан калтак еб келса, яна бир куни қўшнинг арзимас сабаб билан дилингни хуфтон қиласди. Бир куни нотаниш бир исқирт тиқин автобусда хотинингни ҳақоратласа, бошқа бир куни ишни қойиллатмаганинг учун бошлиғингдан қуртдаккина сўкиш эшишиб оласан. Ўзинг беш сўмга зор бўлиб турганингда амакинг тўй бошлаб қолсаю қуруқ қўл билан тўйга бориш ўлим билан teng бўлиб турса, нима қила оласан? Уч ойдан бўён маош қўлга

тегмай хунобинг қозондан тошган сут каби ошиб-пизиб ётсаю буёқда хотинингнинг гап бериш навбати келиб қолса, нима қилган ҳам бўлардинг? Газ, сув, электрдан қарзингни узолмай турганингда ўғлингнинг мактабидан ҳам пул сўраб туришса, бор пулингни буларга берворай десанг, қорин қурғурни тикиб бўлмаса, бошингни қайларга урасан? Бунинг устига ана шунаقا дўппинг тор, дилинг абгор, ўзинг хор бўлиб турган пайтингда бир маҳалладошинг тұхмат қилиб, устингдан шикоят ёзишни бошлаб юборса, кимга арзу додингни айтасан, кимга ҳасратингни дастурхон қилиб ёзасан? Қўлинг қисқалигидан ҳатто касал бўлишга ҳам қўрқаркансан, одам. Худо кўрсатмасину, ҳозир урчиб кетган ва номини ҳам эслаб қолиш қийин турфа қасаллардан бирортаси оила аъзоларингдан бировига илашгудай бўлса, ана ўшанда бошланади муаммонинг энг каттаси!

У ҳолда бу дунёга келиб, шундай машаққат ва қийинчиликлар ичида яшашнинг, атрофингдаги одамларнинг ҳасад, озор ва маломатларига индамай чидаюришнинг нима қизифи бор? Озгинагина умрни баҳтили яшаб ўтмаганингдан кейин бу дунёга келишнинг бирор маъноси қолармиди? Агар дунёга яна бир бор келганингда эди, “Майли, бу ҳаётимда қийналсан, янаги келишимда яхшироқ яшарман?” деб ўзингга тасалли берган бўлардинг! Аммо устозларимиз айтганидай, ҳаёт инсонга бир марта бериларкан! Уни қандай яшаб ўтиш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ бўларкан! Агар ҳамма иш ўша устозларимиз айтганидай бўлса, бунаقا яшашнинг кимга кераги бор? Бу хорлик, машаққат, азоб ва кулфатларни кўриш учунгина дунёга келганмизми?

Хулласи, шунаقا гаплар! Бошим қотиб қолган. Дардимни кимга айтишни, кимдан маслаҳат сўрашни билолмай, ҳайрону сарсон юрган кезларимда бир оғайним Сизнинг дарагингизни айтиб қолди. Эски шаҳарда Ҳикматуллоҳ ота деган бир яхши одам бор, ўшагина сенинг дардингга малҳам топади, ўшагина сенга йўл кўрсата олади, деб қолди. Аввалига олдингизга бориб, Сиз билан сухбатлашгим ҳам келди. Кейин эса бу фикримдан қайтдим. Чунки бегона киши билан юзма-юз туриб, дардларимни тўкиб солишга ўзимда журъят ва қатъият топа олмадим. Ўйлай-ўйлай, ниҳоят бир мактуб ёзишга қарор қилдим. Ҳозиргача ҳеч кимга хат ёзмаган эдим, ҳатто армиядан уйдагиларга хатимни ошналаримга айтиб туриб ёздирап эдим. Одам танг аҳволга тушшиб қолганида жуда ақлли бўлиб кетаркан. Хатимни бир неча марта қайта ёзганимга қарамай, жўнатиш олдидан ўқиб кўрсам, худди ёзувчиларники каби бинойидай ёзибман.

Мен бир оғиз илиқ сўзингизга, оталарча маслаҳатингизга жуда-жуда муҳтожман, Ҳикматуллоҳ ота. Бир ночор ҳамшахрингиздан ёрдамингизни аямайсиз, деган умиддаман. Батафсил жавобингизни кутиб, нотаниш жиянингиз Умиджон”.

ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

O'N BESHINCHI SABOQ XUSH XULQQA NE YETSIN

Assalomu alaykum, jajji nabiralarim, qandu asallarim!

Payg'ambarimiz Muhammad alayhissalom qanday odam edilar? Judayam yaxshi xulqli, uyatchan, kamtar, shirinso'z, odobli, yoqimtoy, yumshoq ko'ngil, mehribon kishi bo'lganlar. Biz ham u kishining yo'llaridan yurmoqchi bo'sak, xulqimiz ana shunday hamma havas qiladigan bo'lishi kerak.

«Xulq» o'zi nima? Xulq kishining fe'l-atvori, yurish-turishi, so'zlashi, muomalasi, madaniyatini o'z ichiga olgan xislatlaridir. Payg'ambarimiz «Jannatga tushishga sabab bo'ladigan narsa nim

a?» deb so'raganlar va o'zлari «Allohdan qo'rqish va yaxshi xulqli bo'lish», deb javob berganlar.

Yaxshi xulqli bo'lish qiyinmi? Yo'q, faqat siz bunga astoydil haiakat qilsangiz bo'ldi! Buning uchun nimalar qilish kerak? Eng avvalo otanangizni, ustozlaringizni, o'zingizdan kattalarni hurmat qiling. Kichiklarni avaylang. Hammaga yaxshi gapiring. Kattayu kichikka salom bering. Alloh taolo va Payg'ambar alayhissalom buyurgan ibodatlarni qoldirmay bajaring. Har ishda kamtar bo'ling, chunki Alloh kibrli, kerilgan odamlarni juda yomon ko'radi. Nima ayb gunoh qilsangiz, darrov kechirim so'rashga odatlaning!

Ko'cha-ko'yda. ko'pchilik ichida, oilada o'zingizni odobli, yaxshi muomalali, shirin so'zli tuting. Kattalar yuvvosh, muloyim, ko'p gapirmaydigan, tabassumli bolalarni yaxshi ko'rishadi.

Ayniqsa, salomlashish odoblarini yaxshi bilib oling. Birov bilan ko'rishganda, biror joyga kirganda «Assalomu alaykum» deb salom berasiz. Buning ma'nosi «Sizga tinchlik-xotirjamlik tilayman» degani. Agar boshqa odam salom bersa, albatta, «Vaalaykum assalom» deb to'liq javob qaytaring, alik olish juda zarur ish. Payg'ambarimiz hammadan oldin, hatto sizdek yosh bolalarga ham salom bergenlar. Mashina, velosiped, otdagi odam piyodaga, piyoda kishi o'tirgan kishiga, ozchilik ko'pchilikka, kichiklar kattalarga salom beradi. Ammo namoz o'qiyotgan, Qur'on tilovat qilayotgan kishiga, masjidda gapirayotgan imomga salom berilmaydi.

Kiyinish, ovqatlanish, ko'chada yurish, uplash odoblarini bilish ham yaxshi xulqqa kiradi. Kiyimni odamning uyat joylarini, badanini bekitib turish uchun kiyiladi. Kir kiyimlarni, albatta, yuvdirib kiyish kerak, yirtiqlarini tiktirib oling. O'g'il bolalar ipakli kiyimlar, qizil, sariq rangli yoki qizlarnikiga o'xshash kiyimlarni, odam, hayvon surati solingan kiyimlarni kiymasliklari kerak. Qizchalarimiz ulg'ayganda badanlari ko'rindigan, kalta, yoqasi katta ko'yaklar kiymasliklari lozim.

Ovqatlanishning ham o'ziga yarasha odoblari bor. Musulmon bolalar ovqatlanishdan oldin va keyin qo'llarini yuvadilar. Dasturxonga kelib, «Bismillah»ni aytib tanovulga kirishadilar. Ovqatni o'ng qo'lda, o'z oldilaridan yeydilar. Ovqatni puflamay, xo'rillatmay, ustida nafas olmay yeyish lozim. Issiq ovqat sovigunicha sabr qiling. Chunki issiq taomda baraka bo'lmaydi. Ovqatlanib bo'lgach, «Alhamdulillah» deb Allohga hamd aytинг. Chunki shundoq shirin ovqatlarni bizga Alloh taolo bergen-da!

Islomi odobga ko'ra ovqatni teztez yeyilmaydi. Ketma-ket og'izga luqma tashlanmaydi. Katta-katta qilib chaynamay yutilmaydi. Ovqatlanayotgan kishiga qaralmaydi. Taom va nonlar isrof qilinmaydi. Ovqatlanib bo'lgach, qo'lni va yog'li idishlarni yalab, so'ng qo'l artiladi. To'kilgan uvoqlar terib yeyiladi. Keyin Allohga shukr aytib, dasturxonga duo o'qib turiladi.

Suv, choy ichishning tartiblari mana bunday: Payg'ambarimiz suvni uch bora nafas olib, bo'lib-bo'lib, o'tirgan holda ichishni tavsiya qilganlar. Faqat zam-zam suvi tik turgan holda ichiladi. Suv ham «Bismilloh»ni aytib ichiladi, ichib bo'lingach, «Alhamdulillah» deyiladi.

Ko'cha-ko'yda yurishning ham ma'lum tartiblari bor. Ko'chada shoshilib yurilmaydi. Ikki kishi, xususan ikki ayol o'tasidan kesib o'tilmaydi. Ko'chada uyoq-buyoqqa anqayib yurish, tuflash, pista chaqib, taom yoki muzqaymoq yeb yurish islomiy ta'limga to'g'ri kelmaydi. Yo'lda odamlarga xalal beradigan tosh, shox-shabba, sim, tikan, po'choq kabi narsalar yotgan bo'lsa, bir chetga olib tashlanadi. Tanishmi-notanishmi ko'ringan kishilarga salom beriladi. Ko'cha-ko'ylarda behuda o'tirish yoki bekor angrayib turish, shovqin solish odobimizga to'g'ri kelmaydi.

Bolajonlarim, endi uplashning qoidalarini o'rgatib qo'yay. Uyquga yotish oldidan tahirat olib, tishlarni misvok (tish cho'tkasi) bilan yaxshilab tozalang. O'ringa yotganda qibla tarafga yoki muqaddas kitoblar turgan tarafga oyoq uzatilmaydi. Yuzturban, chalqancha yotmang, kechasi yomon tushlar ko'rib chiqasiz. Eng yaxshisi, o'ng tomonga yonboshlab, qo'l kaftini yuz ostiga qo'yib uplashdir. Janobi Payg'ambarimiz «Qo'llarida ovqat yog'i bilan yotib uxlagan odamga biror kasallik yopishsa, o'zidan ko'rsin!» deganlar.

Uyqu oldidan ikki «Qul a'uzu» surasini o'qib, kalimangizni aytib yotsangiz, juda yaxshi bo'ladi. Ko'p uxlamang, sizning yoshingizda, uzog'i bilan to'qqiz soat uxlansa kifoya, ko'p uplash odamni lanj, kasal qiladi. Aslo quyosh chiqquncha uxlamang, chunki bu dinimizda qoralangan.

Mana asal-qandlarim, yaxshi bola bo'lishning, xush xulqli bo'lishning qoidalarini bilib oldingiz. Endi nima qilishimiz kerak? Ha, barokalloh, ularni eslab qolib, doimo amal qilib yurishimiz zarur. Ana shunday qilsak, Alloh taologa, Payg'ambarimiz alayhissalomga yoqadigan bolalar bo'lamiz. Agar Alloh va Payg'ambarga yoqsak, albatta, jannatga kiramiz. Jannatga kirsak, hech qiyalmaymiz, doimo mazza qilamiz. Shundaymi, shirintoylarim?!

АСЛ ҚИТЪА ОСИЁДУР

(1910 йилдаги Осиё қитъасига бир назар)

Бундан юз йилларча аввал яшаб ижод этгандын жуғрофия олимлари ўша даврдаги Осиё қитъаси ҳақида қўйидагича маълумот берганлар:

“Еркуррасидаги асл қитъа Осиё қитъасидир. Чунки одамлар энг аввал Осиёда вужудга келгандын. Шунингдек, ҳамма пайғамбарлар Осиёда яшаб ўтдилар, Ислом дини ҳам Осиёдан ёйилди. Қуръони каримда зикр этилган жойларнинг ҳаммаси Осиё қитъасидадир. Ҳунар ва санъат, илму маориф ҳам Осиёда пайдо бўлди. Ҳозирдаги Оврупо маданияти, уларнинг илму фанлари ҳаммаси биринчи марта Осиёдаги араблар ва бошқа мусулмонлар тарафидан бунёд этилган эди. Наботот, ҳайвонот оламлари ва қазилма бойликларининг энг фойдалиги ва энг қимматлари ҳам Осиё қитъасидадир. Осиё қитъаси Оврупо, Африқо қитъаларини қўшганда ҳам ҳудудий жиҳатдан ҳар иккисига нисбатан катта бўлиб, аҳолиси саккиз юз миллионга яқиндир. Осиё аҳолиси будда, браҳма, ислом, христиан ва яхудий динларига эътиқод қиласиди.

Осиё қитъаси шимол тарафдан Шимолий муз океани, жанубдан Ҳинд океани, ғарбдан Оқ денгиз ва Урал тоғлари, шарқдан эса Тинч океани билан чегараланган.

Осиё қитъасида ҳаммаси бўлиб ўнта мамлакат мавжуд. Булар: 1. Осиёи русий. 2. Осиёи Усмоний. 3. Эрон. 4. Балужистон. 5. Афғонистон. 6. Ҳиндистон. 7. Хитой. 8. Ҳинди-Хитой. 9. Ёпуниё. 10. Қурия давлатларидир.

Осиёи русий, яъни Русиянинг Осиё қитъасидаги мамлакатлари Сибирия, Туркистон, Қафқозия номлари билан юритилади. Сибириянинг аҳолиси олти миллионга яқин

бўлиб, ирқлари ва диний эътиқодлари турличадир. Жумладан, қалмоқ, манжур, мўғул, тунғус, татар, қирғиз ва бошқалар Сибирия аҳлидандир.

Ирқутск, Ёқутск, Тумск, Умск, Семипулотинск, Тубулск, Красноярск шаҳарлари Сибирияning машҳур шаҳарларидандир. Сибирия дунёning ниҳоятда совуқ қисмидир.

Туркистонда Хива ва Бухоро хонликлари бор (ҳозир Ўрта Осиё деб ҳам аталмоқда), бу ўлқада иккита хонлик мавжуд бўлиб, ҳар иккovi ҳам Русиянинг ҳимояси остидадир. Булардан бири Хива хонлиги бўлиб, беш юз мингга яқин аҳолиси бор. Пойтахти Хоразм номи билан зикр этиб келинган. Иккинчиси Бухоро хонлиги бўлиб, ҳукумат пойтахти Бухоро шаҳридир. Бухоро хонлигининг икки миллионга яқин аҳолиси бўлиб, буларнинг ҳаммаси Ислом динидадир. Бухоро шаҳри қадим замонда илм манбаи бўлган эди ва аҳамияти улкан эди.

Туркистоннинг бундан бошқа шаҳар ва вилоятлари ҳаммаси тамоман Русия ҳукумати қўйл остига ўтган бўлиб, Тошкент шаҳрида турувчи бир волий (губирнотур) томонидан бошқариб борилмоқдадир. Умум Туркистонда етти миллионга яқин аҳоли бўлиб, ҳаммалари Ислом динидадирлар. Фақатгина катта-катта шаҳарлардагина шу йилларда келиб жойлашиб қолган руслар ва бошқа миллатлар бирорзгина бор.

Қафқозия. Бу минтақада ҳам етти миллионга яқин аҳоли бўлиб, буларнинг кўпчилиги черкаслардир. Боку, Қорс, Елизаветупул, Шамохи, Ширвон Қафқозиянинг машҳур шаҳарларидандир.



Осиёи Усмоний, яъни Усмонийлар давлатининг Осиёдаги мамлакатлари. Булар Арабистон, Сурия, Онадўли (Анатолия) номлари билан аталувчи мамлакатлардир.

1. Арабистон ёки Жазиратул-араб: Осиё китъасининг ғарби жанубийисида жойлашган улкан ярим орол бўлиб, бунда яшаётган аҳолининг ҳаммаси аҳли исломдирлар. Аҳолисининг аксари араблардир. Жазиратул-арабнинг ярми Туркия қўл остида бўлиб, уларнинг ўрталарида кичкина-кичкина Нажд мамлакати, Масқат имомлиги, Адан мамлакати сингари давлатчалар бор. Арабистонда Усмонийлар давлатининг марказий идораси Макка шаҳрида жойлашган. Мадина, Жидда, Янбуъ кабилар Арабистоннинг машҳур шаҳарларидандир.

2. Сурия: Аҳолисининг аксари мусулмон

бўлса ҳам, араб христианлари билан бирга бир қанча ҳалқлар ҳам яшайди. Шом, Қудус, Ёфа, Байрут ва бошқалар Суриянинг машҳур шаҳарларидандир.

3. Онадўли: Аҳолиси ўн беш миллионга яқин бўлиб, кўпчилиги мусулмонлар, яъни турклардир, сўзлашув тиллари туркчадир.

Онадўлида турклардан бошқа (христиан) мазҳабида бўлган армани, рум сингари миллатлар ҳам кўп. Онадўлининг машҳур шаҳарлари: Бурса, Измир, Трапезун, Арзирум, Басра ва Бағдод шаҳарлариdir.

*«Мужмали жуғрофия» китобидан
Аҳмад Убайдуллоҳ таржимаси.*